13) одамлар ҳаёти ва саломатлиги, атроф-муҳит, кундалик ҳаётни таъминлаш тизимлари, транспорт ва коммуникацияларга хавф яратган технологик характерда-

ги террорчилик ҳаракатлар оқибатларини, шунингдек бундай фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келган зарарларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш;

14) террорчилик ҳаракатларни аниқлаш, олдини олиш, барҳам бериш ҳамда тергов қилиш мақсадида ўзаро келишилган зарур чораларни кўриш, шунингдек бундай ҳаракатларда иштирок этган ҳар қандай шахсни жиноий жавобгарликка тортиш;

15) ҳамкорликнинг турли хил йўналишлари бўйича қўшма машғулотларни ўтказиш;

16) терроризмга қарши курашиш мақсадида стажировка, семинар ва маслаҳатлашувлар орқали ахборот ва тажриба алмашиш, Томонларнинг марказий ваколатли органлари учун кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишда ёрдам кўрсатиш.

IV модда

Ҳамкорлик шакллари

1. Ушбу Битим қоидалари доирасида Томонларнинг марказий ваколатли органлари ҳамкорликни қуйидаги шаклларда амалга оширадилар:

а) террорчилик фаолиятни ташкил этадиган жиноятларни аниқлаш ва олдини олишга, ҳамда ушбу Битимда кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин бўлган ахборотни алмашиш;

б) айбланаётган ёки гумондор шахслар, ташкилот, муассаса ва фирмалар фаолиятини ўрганиш ҳамда тегишли ҳисоб-китоблар бўйича шахслар, буюм ва ҳужжатларни текшириш орқали террорчилик фаолиятни ташкил этадиган жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда ёрдам кўрсатиш;

с) Томонлар давлатларининг хавфсизлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки террорчилик ташкилотлар фаолиятига барҳам беришга қаратилган ўзаро келишилган чораларни амалга ошириш;

д) зарур ҳолларда, аксилтеррор операцияларини ўтказишда техник қўмак кўрсатиш;

е) халқаро терроризмга қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш масалаларига оид қонунчиликни алмашиш.

2. Томонлар тузиладиган алоҳида аҳдлашувлар асосида марказий ваколатли органлар ходимларини терроризмга қарши кураш бўйича бўлинмаларида стажировка ўташ, малака ошириш, ўқув муассасаларида таълим олиш ҳамда терроризмга қарши кураш соҳасида техника воситалари ва материаллар ҳамда махсус техника ва алоқа воситаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқишда ҳамкорлик қиладилар.

3. Томонлар халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида тадқиқот дастурларини амалга ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қиладилар ва ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалалар юзасидан маслаҳатлашув ва семинарлар ўтказадилар.

V модда

Ахборот алмашиш

1. Томонлар ўртасидаги ахборот алмашуви жиноятларнинг барча кўринишларига қарши кураш ва террорчилик фаолиятни ташкил этадиган муайян жиноятларни олдини олиш учун зарур бўлган ҳажмда қуйида кўрсатилганлар юзасидан амалга оширилади:

а) террорчилик ҳаракатларни амалга оширишни тайёрлаётган Томонлар давлатларининг фуқаролари иштирок этган ташкилотлар, гуруҳлар ёки алоҳида шахс-

лар ёхуд Томонлар давлатларининг хавфсизлигига таҳдид солаётган ёки уларнинг манфаатига дахлдор бўлган амалга оширилган қўпоровчилик ҳаракатлар;

б) Томонлар давлатларининг ҳудудидаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналар, уларнинг мамлакатида жойлашган халқаро ташкилотлар, уларнинг аъзолари, бино ва транспорт воситалари, халқаро тадбирларда иштирок этиш учун ташриф буюрган шахсларга қарши тайёрланаётган қўпоровчилик ҳаракатлар;

с) аниқланган террорчилик ташкилотлар ва гуруҳлар таркиби, террорчилик фаолиятнинг тузилиши, шакл ва усуллари, ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланилган қурол-яроғ ва техник воситалар;

д) террорчилик фаолиятни маблағ билан таъминлаш манбалари, молиявий ёрдамнинг восита ва усуллари, бунга дахлдор бўлган шахслар, ташкилот ва муассасалар;

е) Томонлар давлатлари ҳудудига террорчилик ташкилотлар томонидан қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи, захарловчи, радиоактив, ядровий, биологик ва кимёвий моддалар ҳамда бошқа техник воситаларини ноқонуний олиб кирилишининг манбалари, каналлари ва усуллари;

ф) Томонлар хавфсизлигига таҳдид солаётган келиб чиқиши хорижли бўлганлар, шу жумладан, террорчилик ташкилотлар, гуруҳлар ва алоҳида шахслар ўртасидаги алоқалар;

г) кураш олиб боришда террорчилик усулларни қўллайдиган ноқонуний қуролланган тузилмалар, уларнинг аъзолари, мақсад ва вазифалари;

ҳ) террорчилик ҳаракатни амалга оширишда гумон қилинаётган бошқа Томоннинг давлати ҳудудида вақтинча бўлиб турган ёки доимий яшаб келаётган Томонлардан бирининг фуқаролари;

и) ушбу Битим қоидалари билан боғлиқ бўлган қонунларни қўллаш масалаларини ҳал этиш;

ж) Томонлар учун манфаатли бўлган бошқа масалалар.

2. Томонлардан бирининг марказий ваколатли органи сўров олмасдан туриб, ўз ташаббуси билан бошқа Томонга ахборот зарур деб ҳисоблашга асослар бўлган тақдирда ахборот алмашиши мумкин.

VI модда

Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров ва уни юбориш тартиби

1. Ушбу Битимга мувофиқ ҳамкорлик Томонлар марказий ваколатли органларининг ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровлари асосида амалга оширилади.

Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров сўраётган Томоннинг марказий ваколатли органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва гербли расмий муҳри билан тасдиқланади.

Сўров Томонларнинг марказий ваколатли органлари томонидан бевосита ёки электрон алоқа воситалари ёрдамида юборилади.

2. Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров ёзма равишда юборилади ва сўровда кўрсатилган муддат ичида бажарилади. Агар ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров кўрсатилган муддат ичида бажарилмаса, бошқа Томон сабаблар ва сўровнинг бажарилиши муддатлари тўғрисида ёзма равишда хабардор этилади.

Сўровнинг ҳақиқийлиги ёки мазмунига нисбатан шубҳа юзага келганда унинг тасдиғи тўғрисида сўров юборилиши мумкин.

3. Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров қуйидагилар билан илова қилиниши лозим:

— ёрдам сўраётган марказий ваколатли органнинг номи;

- сўровнинг моҳияти;
- ишга дахлдор бўлган шахсларнинг фуқаролиги, исми, фамилияси, уларнинг туғилган куни ва жойи, яшаш ҳамда бўлиб турган жойи; ишга дахлдор бўлган юридик шахсларнинг юридик номи ва бўлиб турган жойи;
- хатти-ҳаракат ёки воқеа тавсифи, жинсий ишлар бўйича эса хатти-ҳаракатнинг даражаси ва қўлланилаётган қонун матни;
- сўровни бажаришда риоя қилиш зарур бўлган махсус тартибнинг тавсифи ва бундай заруриятнинг асосланиб берилиши;
- ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровнинг мақсади ва асослари;
- жавоб олиниши кутилаётган саволлар рўйхати;
- сўровни бажариш муддатлари;
- сўровнинг бажарилиши учун фойдали бўлган ахборотнинг ҳар қандай кўриниши.

VII модда

Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровни бажариш тартиби

1. Сўралаётган Томоннинг марказий ваколатли органи ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровни тез, имкон қадар тўла ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўради. Агар сўровни бажариш сўралаётган Томоннинг марказий ваколатли органи ваколатига кирмаса, ушбу орган уни тегишли ваколатли органга топширади ва сўраётган Томоннинг марказий ваколатли органини бу ҳақда хабардор этади.

Зарур ҳолларда сўраётган Томоннинг марказий ваколатли органи сўровни бажариш учун қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақлидир.

2. Сўровни бажаришда сўралаётган Томоннинг қонунчилиги қўлланилади.

Агар сўровни бажариш амалга оширилаётган жинсий таъқиб ёки бошқа жараёнга тўсқинлик қилса, унинг бажарилиши кейинга сурилиши ёки сўраётган Томон билан келишиладиган маълум шартлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3. Томонларнинг марказий ваколатли органлари ўз давлатларининг қонунларига мувофиқ ва ўз ваколатлари доирасида бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

VIII модда

Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров бажарилишини рад этиш

1. Ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров қуйидаги ҳолларда бутунлай ёки қисман рад этилиши мумкин:

а) агар сўровни бажариш сўралаётган Томон давлатининг давлат суверенитети, миллий хавфсизлиги ва бошқа манфаатларига зиён етказиши ёки мамлакатнинг миллий қонунчилиги ёхуд халқаро мажбуриятларига зид бўлса;

б) агар ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровда қайд этилган ҳолат ва хатти-ҳаракат сўралаётган Томоннинг миллий қонунчилигига мувофиқ жиноят деб ҳисобланмаса.

2. Агар ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров рад этилса, сўралаётган Томоннинг марказий ваколатли органи сўраётган Томонни рад этишнинг сабаблари хусусида ёзма равишда хабардор қилади.

IX модда

Ахборотнинг махфийлиги ва ундан фойдаланиш

1. Томонлар ўзларининг миллий қонунларига мувофиқ ушбу Битим доирасида бир-бирларидан олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлайдилар. Агар тақдим

этаётган Томон ахборотнинг ошкор этилишини истамаётган бўлса, Томонлар унинг махфийлигини таъминлайдилар.

Томонлар ахборотнинг махфийлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар ва бундай ахборотни тақдим этган Томоннинг ёзма равишдаги розилигисиз олинган ахборотни учинчи томонга тақдим этмайдилар.

2. Ушбу Битим доирасида олинган махфий ахборотдан фақат кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади ва фақат бунга ҳақли бўлган ваколатли органларга тақдим этилади. Томонлар бундай ахборотдан ўзга шахсларнинг фойдаланмаслиги, унинг рухсатсиз ўзгартирилиши, йўқ қилиниши ёки ошкор этилишига қарши ҳимояни таъминлайдилар.

X модда **Ҳамкорлик тили**

Ушбу Битим доирасида ҳамкорлик инглиз тилида амалга оширилади.

XI модда **Харажатлар**

1. Томонлардан бирининг худудида юзага келган ушбу Битим бажарилиши билан боғлиқ харажатларни, агар ўзгача келишиб олинмаган бўлса, ушбу Томон қоплайди.

2. Томонлар зарур ҳолларда беғараз ёрдам кўрсатишлари, шу жумладан, ушбу Битим доирасида халқаро терроризмга қарши кураш бўйича муайян масалаларни ҳал этишга зарур бўлган ускуна, жиҳоз ва материаллар тақдим этишлари мумкин.

XII модда **Бошқа аҳдлашувлар**

Томонларнинг марказий ваколатли органлари ушбу Битим қоидаларини бажариш тартибини белгилайдиган алоҳида аҳдлашувларни тузишлари мумкин.

XIII модда **Маслаҳатлашувлар ва музокаралар**

Томонларнинг марказий ваколатли органлари вакиллари зарур ҳолларда ушбу Битим доирасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш ва мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқиш мақсадида ишчи учрашувлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар олиб борадилар.

XIV модда **Бошқа халқаро битимлар**

Ушбу Битим қоидалари, Томонларнинг бошқа халқаро тузилган битимлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

XV модда **Баҳсларни ҳал этиш**

Ушбу Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилиш билан боғлиқ бўлган барча баҳслар Томонлар ўртасидаги маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал этилади.

XVI модда
Ўзгартиш ва тўлдиришлар

Ушбу Битимга Томонлар ўзаро розиликка кўра алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва ушбу Битимнинг XVII модда қоидаларига мувофиқ кучга киргандан кейин ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартиш ва тўлдиришлар кириштишлари мумкин.

XVII модда
Битимнинг кучга кириши, амал қилиши ва амал қилишининг тўхтатилиши

1. Ушбу Битим унинг кучга кириши учун зарур бўлган тегишли ички процедураларни Томонлар бажарганликлари тўғрисида сўнгги хабарнома дипломатик каналлар орқали олингандан сўнг кейинги ойнинг биринчи кунда кучга киради ва Томонлардан бири бошқа Томонни камида 6 ой илгари унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ўз нияти ҳақида хабардор этмагунга қадар, ушбу Битим амал қилади.

2. Ушбу Битим амал қилишининг тўхтатилиши унга мувофиқ амалга оширилаётган унинг тўхтатилишига қадар бошланган, бироқ тугалланмаган фоолиятга, агар Томонлар ўзгача аҳдлашиб олмаган бўлсалар, дахл қилмайди.

Тошкент шаҳрида 2003 йил 19 декабрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, турк ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

ДОГОВОР*
о сотрудицестве в области туризма между Национальной Компанией «Узбектуризм» Республики Узбекистан и Компанией «КМР-ггоир» Российской Федерации

(Вступает в силу 27 сентября 2004 года)

Национальная Компания «Узбектуризм» Республики Узбекистан и Компания «КМР-ггоир» Российской Федерации, в дальнейшем именуемые стороны, желая укреплять и развивать дружеские отношения между двумя странами и народами, принимая во внимание важную роль туризма в социально-экономическом развитии стран, сознавая, что обмены и сотрудничество в области образования, науки и куль-

* Вступает в силу со дня подписания.

туры, а также в других областях будут вносить значительный вклад во взаимопонимание между узбекским и российским народами,

договорились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны будут способствовать ознакомлению граждан обоих государств, равно как и зарубежных, с достижениями в области экономики, социального развития, с историческими памятниками и культурными традициями народов Узбекистана и Российской Федерации.

Статья 2

Стороны, в соответствии с национальными законодательствами обоих государств, будут создавать условия для установления и развития сотрудничества между узбекскими и российскими организациями, ассоциациями и компаниями, участвующими в развитии международного туризма.

Статья 3

Стороны будут сотрудничать в организации совместного предпринимательства с целью обслуживания туристов, осуществления совместных инвестиционных проектов, обмена специалистами, организации выставок и туристских ярмарок, проведения совместных заседаний и консультаций по вопросам развития туризма и т. д.

Статья 4

Стороны будут сотрудничать в области развития туризма на основе равноправия и взаимной выгоды, содействовать упрощению административных формальностей с целью усиления туристского движения между обоими государствами.

Статья 5

Стороны будут содействовать распространению туристской информации для привлечения потока туристов в Узбекистан и Россию путем публикаций рекламных материалов, обмена информацией о законодательных актах, регулирующих туристическое сотрудничество с другими странами, печатными изданиями.

Статья 6

Стороны будут оказывать взаимную помощь в обучении и переподготовке персонала туристских комплексов, содействовать обмену специалистами соответствующих органов по туризму, способствовать соответствующим ведомствам и заинтересованным организациям в создании инвестиционных проектов в сфере туризма.

Статья 7

Стороны будут изыскивать возможности взаимовыгодного сотрудничества в области инвестиций в сферу туризма, обмениваться для этих целей специалистами, проводить консультации, рекламировать и публиковать материалы, поощряющие возможности капиталовложений, содействовать заинтересованным фирмам, ведомствам и организациям в создании совместных предприятий и реализации дру-

гих проектов, а также создавать рабочие группы по вопросам, связанным с осуществлением намерений Сторон.

Статья 8

Стороны договорились проработать вопрос о создании совместного предприятия с целью проведения рекламы турпотенциала Узбекистана в России и российского турпотенциала в Узбекистане, предметом деятельности которого является:

проведение работы по привлечению российских туристов в Узбекистан и узбекских туристов в Россию;

разработка маршрутов для туристов из третьих стран, включающих посещение городов России и Узбекистана;

совместное участие в международных туристических ярмарках для продвижения турпродуктов обеих стран.

Совершено в городе Москве 27 сентября 2004 года в двух экземплярах на русском языке, оба экземпляра имеют одинаковую силу.

(подписи)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида МЕМОРАНДУМ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил
22 июлдаги 350-сонли* қарори билан тасдиқланган*

(2004 йил 15 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонлар давлатлари ўртасида ҳамкорликнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, транспорт-коммуникация, илмий-техника ва ишлаб чиқариш муносабатларини тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро манфаат принциплари асосида ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида,

инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш, замонавий илғор технологияларни жалб этиш соҳасида ҳамкорлик, шунингдек иқтисод соҳаларида ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муҳимлигини эътироф этиб,

Томонлар давлатларининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун шартнома-ҳуқуқий асос ва қулай шарт-шароитларни яратиш зарурлигидан келиб чиқиб,

* ЎзР. Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 29-сон, 337-модда.

қўйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Томонлар давлатлари ўртасида барқарор ва узоқ муддатли иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши учун Томонлар барча зарур чораларни қўрадилар ҳамда шу мақсадларда энг қулай шарт-шароитларни яратадилар.

2-модда

Томонлар устуворлик асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликни қўйидаги муҳим йўналишларга қаратиш зарур деб ҳисоблайдилар:

- углеводород хом ашёсини излаш, қидириш, қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш;
- бошқа минерал-хом ашё ресурсларни ишлаб чиқиш;
- энергетика;
- транспорт коммуникациялари;
- кимё саноати;
- телекоммуникациялар;
- қишлоқ хўжалиги;
- таълим;
- туризм;
- молия-кредит соҳаси;
- сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш соҳалари;
- ўзаро манфаат уйғотувчи бошқа соҳалар.

3-модда

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида 1994 йил 12 апрелда кучга кирган Битим»га мувофиқ Томонлар ўзаро бевосита инвестицияларни рағбатлантирадилар ҳамда жалб қиладилар.

Томонлар бошқа Томон давлати хўжалик юритувчи субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини тақдим этадилар.

4-модда

Томонлар давлатларининг қонунларига мувофиқ, Томонлар давлатларининг ҳудудлари ўртасидаги юк оқими ва юк транзитини таъминлаш учун Томонлар транспорт инфратузилмаси соҳасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирадилар, минтақалараро транспорт йўналишларини режавий тузадилар, потенциал транспорт, транзит имкониятларини топиш бўйича ишларни давом эттирадилар.

5-модда

Томонлар иккала давлатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, икки томонлама савдо айланмасини кўтариш ва унинг мўътадиллигини таъминлаш мақсадида жаҳон бозорида рақобатбардош замонавий технологияларни жалб этиш асосида ҳамкорлик лойиҳаларини режа асосида амалга оширадилар.

6-модда

Томонлар ҳамкорликнинг устувор лойиҳаларини амалга оширишни мумкин қадар қўллаб-қувватлайдилар ва ёрдам берадилар, шунингдек икки томонлама лойиҳалар-

ни молиялаштириш ҳамда халқаро молия ташкилотларининг маблағларини биргалликда жалб этишда икки давлатнинг молия институтларини рағбатлантирадилар.

7-модда

Томонлар ушбу Меморандум мақсадларини амалга ошириш учун ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича қулай шарт-шароитларни тақдим этадилар:

- иккала давлатнинг ҳукумат ваколатли органлари, ишбилармон доира вакиллари, турли профессионал уюшмалар, савдо-саноат палаталари, илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- турли йўналишлардаги кўргазма, ярмарка ва форумларни ташкил этиш;
- семинарлар, илмий симпозиумларни ташкил этиш;
- маслаҳатлар бериш;
- икки томонлама иқтисодий ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнес субъектларини жалб этиш;
- учинчи мамлакатларда ҳамкорликни амалга ошириш.

8-модда

Томонлар савдо сиёсати соҳасидаги мулоқотни фаоллаштирадилар ва ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини ички ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида мунтазам равишда ахборот алмашадилар.

9-модда

Томонлар маҳсулотлар сифатини текшириш ва карантин инспекцияси соҳасида тегишли шартнома-ҳуқуқий негизни яратиш орқали ҳамкорликни кучайтирадилар.

10-модда

Ушбу Меморандум, зарур ҳолда, Томонларнинг ўзаро розилиklarига кўра ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

11-модда

Ушбу Меморандумнинг қоидаларини талқин қилиш ёки қўллаш бўйича баҳслар юзага келган ҳолда Томонлар уларни қўшма маслаҳатлашувлар орқали ҳал қиладилар.

12-модда

Ушбу Меморандум Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган ички процедураларни бажарганликлари тўғрисида ноталар алмашинган санадан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида амал қилади.

Томонларнинг биронтаси навбатдаги муддат тугашидан камида уч ой илгари ушбу Меморандумнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида ёзма равишда бошқа Томонни хабардор қилмаса, унинг амал қилиши ҳар гал ўз-ўзидан бир йилга узаяверади.

Тошкент шаҳрида 2004 йил 15 июнда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, Томонлар рус тилидаги матнни қўллайдилар.

(имзолар)

МЕМОРАНДУМ
между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о расширении
торгово-экономического, инвестиционного и финансового
сотрудничества

*Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан
от 22 июля 2004 года № 350**

(Вступает в силу 15 октября 2004 года)

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Китайской Народной Республики, именуемые далее «Стороны»,

в целях развития и укрепления торгово-экономических, инвестиционных, финансовых, транспортно-коммуникационных, научно-технических и производственных отношений сотрудничества между государствами на основе принципов равноправия и взаимной выгоды,

признавая важность сотрудничества в области взаимного поощрения инвестиций, внедрения современных передовых технологий, а также укрепления и развития кооперированных связей производств в отраслях экономики,

исходя из необходимости создания договорно-правовой основы и благоприятных условий для развития экономического сотрудничества между хозяйствующими субъектами государств Сторон,

договорились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны будут принимать все необходимые меры для развития стабильных и долгосрочных экономических связей между государствами Сторон и создавать для этих целей наиболее благоприятные условия.

Статья 2

Стороны считают необходимым сосредоточить на приоритетной основе взаимовыгодное сотрудничество на таких важных направлениях как:

— поиск, разведка, добыча, переработка и транспортировка углеводородного сырья;

— разработка других минерально-сырьевых ресурсов;

* Собрание законодательства РУз, 2004 г., № 29, ст. 337.

- энергетика;
- транспортные коммуникации;
- химическая промышленность;
- телекоммуникации;
- сельское хозяйство;
- образование;
- туризм;
- финансово-кредитная сфера;
- водохозяйственная и природоохранная области;
- другие сферы, представляющие взаимный интерес.

Статья 3

В соответствии с «Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о поощрении и взаимной защите инвестиций», вступившим в силу 12 апреля 1994 года, Стороны будут поощрять и привлекать взаимные прямые инвестиции.

Стороны будут предоставлять правовую защиту прав и законных интересов хозяйствующих субъектов государства другой Стороны.

Статья 4

Стороны будут активно развивать сотрудничество в области транспортной инфраструктуры, планомерно создавать межрегиональные транспортные коридоры, продолжать работу по выявлению потенциальных транспортных, транзитных возможностей для обеспечения грузопотока между территориями государств Сторон, и транзита грузов в соответствии с законодательством государств Сторон.

Статья 5

Стороны на планомерной основе будут реализовывать проекты сотрудничества на основе внедрения современных конкурентоспособных на мировом рынке технологий в целях увеличения экспортного потенциала обоих государств, повышения двустороннего торгового оборота и обеспечения его сбалансированности.

Статья 6

Стороны будут оказывать возможную поддержку и помощь в реализации приоритетных проектов сотрудничества, а также поощрять финансовые институты обоих государств в финансировании проектов двустороннего сотрудничества и совместно привлекать денежные средства международных финансовых институтов.

Статья 7

Для осуществления целей настоящего Меморандума Стороны будут предоставлять благоприятные условия для развития сотрудничества по нижеследующим направлениям:

- укрепление связей и сотрудничества между компетентными правительственными органами, представителями деловых кругов, различными профессиональными ассоциациями, торгово-промышленными палатами, научно-исследовательскими институтами обоих государств;
- организация выставок, ярмарок и форумов в различных профилях;
- организация семинаров, научных симпозиумов;

- предоставление консультаций;
- привлечение субъектов малого и среднего бизнеса к участию в двустороннем экономическом сотрудничестве;
- осуществление сотрудничества в третьих странах.

Статья 8

Стороны будут активизировать диалог в сфере политики торговли и будут обмениваться на регулярной основе информацией о внутреннем правовом регулировании внешнеэкономических связей и привлечении иностранных инвестиций.

Статья 9

Стороны будут усиливать сотрудничество, в том числе путем создания соответствующей договорно-правовой базы, в сфере проверки качества товаров и карантинной инспекции.

Статья 10

Настоящий Меморандум, в случае необходимости, может быть изменен или дополнен по взаимному соглашению Сторон.

Статья 11

В случае возникновения споров по толкованию или применению положений настоящего Меморандума Стороны разрешают их путем совместных консультаций.

Статья 12

Настоящий Меморандум вступает в силу с даты обмена нотами о выполнении Сторонами внутренних процедур, необходимых для его вступления в силу, и остается в силе в течение пяти лет.

Действие настоящего Меморандума автоматически продлевается каждый раз на один годичный срок, пока одна из Сторон не позднее, чем за три месяца до истечения очередного срока действия не уведомит в письменной форме другую Сторону о намерении прекратить его действие.

Совершено в г. Ташкенте 15 июня 2004 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, китайском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий в толковании положений настоящего Меморандума Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Болгария
Республикаси Ҳукумати ўртасида даромад ва мол-мулк
солиқларига нисбатан икки ёқлама солиққа тортишнинг
олдини олиш тўғрисида
КОНВЕНЦИЯ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил
13 февралдаги 71-сонли* қарори билан тасдиқланган*

(2004 йил 21 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Болгария Республикаси Ҳукумати, даромад ва мол-мулк солиқларига нисбатан икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш, шунингдек иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш мақсадида Конвенция тузишни истаб,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Қўлланиш доираси

Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки ҳар иккаласининг резиденти бўлган шахсларга нисбатан қўлланади.

2-модда

Конвенция татбиқ этиладиган солиқлар

1. Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундириладиган даромад ва мол-мулк солиқларига нисбатан, уларни ундириш услубидан қатъи назар, татбиқ этилади.

2. Даромад ва мол-мулк солиқларига, умумий даромаддан, умумий мулкдан ёки даромад ёхуд мулкнинг бир қисмидан, шу жумладан кўчар ва кўчмас мулкни бегоналаштиришдан олинган даромадлардан ҳамда корхоналар томонидан тўланадиган иш ҳақи ва мукофотларнинг умумий миқдоридан, шунингдек мулк қийматининг ўсишидан олинадиган барча солиқлар киради.

3. Ушбу Конвенция қўлланиладиган амалдаги солиқлар, хусусан қуйидагилардир:

а) Ўзбекистонда:

(i) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;

(ii) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

(iii) мол-мулк солиғи

(бундан кейин «Ўзбекистон солиғи» деб аталади).

б) Болгарияга нисбатан:

(i) жисмоний шахсдан олинадиган даромад солиғи;

(ii) корпоратив даромад солиғи;

(iii) кўчмас мулк солиғи;

(iv) яқуний солиқ

(бундан кейин «Болгария солиғи» деб аталади).

4. Бу Конвенция имзоланган санадан сўнг ундириладиган солиқларга қўшимча ёки мавжудлари ўрнига киритилган моҳияти бўйича ўхшаш ҳар қандай солиқларга

* ЎзР. Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 6-сон, 75-модда.

нисбатан ҳам қўлланилади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзларининг тегишли солиқ қонунларига киритилган барча мавжуд ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиб турадилар.

3-модда **Умумий таърифлар**

1. Ушбу Конвенция мақсадларида, агар матндан ўзга маъно чиқмаса:

а) «бир Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари матнга боғлиқ равишда, Ўзбекистонни ёки Болгарияни англатади;

б) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини ва жуғрофий маънода ишлатилганда Ўзбекистон Республикаси ўз суверен ҳуқуқ ва юрисдикциясини амалга ошириши мумкин бўлган унинг ҳудудини, ҳудудий сувлари ва осмон кенгликларини, шу жумладан халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан ер ости ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин бўлган ҳудудни англатади;

в) «Болгария» атамаси Болгария Республикасини англатади ва жуғрофий маънода ишлатилганда унинг Давлати ўз суверенитетини амалга оширадиган ҳудудни ва ҳудудий денгизни, шунингдек у халқаро ҳуқуққа мувофиқ суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясини амалга оширадиган минтақавий шелф ва эксклюзив иқтисодий ҳудудни англатади;

г) «шахс» атамаси жисмоний шахсни, компания ёки шахсларнинг ҳар қандай бошқа бирлашмасини ўз ичига олади;

д) «компания» атамаси ҳар қандай юридик шахс сифатида қараладиган ҳар қандай ташкилотни англатади;

е) «бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси» атамалари тегишлича бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида иш юритаётган корхонани ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида иш юритаётган корхонани англатади.

ж) «миллий шахс» атамаси қуйидагиларни англатади:

и) Аҳдлашувчи Давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахсни;

й) Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунларига мувофиқ ўз мақомини олган ҳар қандай юридик шахсни, ширкат ва ассоциацияни англатади;

к) «халқаро ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан фойдаланиладиган денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспортида ҳар қандай ташишни англатади, денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасида фойдаланилиш ҳоллари бундан мустасно;

л) «ваколатли орган» атамаси:

и) Ўзбекистонга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисини ёки унинг ваколатли вакилини;

й) Болгарияга нисбатан — Молия вазирини ёки унинг ваколатли вакилини англатади.

2. Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлат томонидан қўлланилганда, унда белгиланмаган ҳар қандай атама, агар матн мазмунидан бошқа маъно келиб чиқмаса, у ушбу Конвенция татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан шу Давлатнинг ана шу даврдаги қонунлари бўйича белгиланган маънога эга бўлади. Ана шу Давлатнинг тегишли солиқ қонунларига мувофиқ татбиқ этиладиган ҳар қандай маъно шу Давлатнинг бошқа қонунларига биноан ушбу атама учун белгиланган маънодан устунлик қилади.

4-модда
Резидент

1. Ушбу Конвенция мақсадларида «Аҳдлашувчи Давлат резиденти» атамаси ана шу Давлат қонунига мувофиқ ўзининг яшаш жойи, доимий бўлиб туриш жойи, бошқарув жойи, юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган жойи ва ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш мезонлар асосида солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни англатади. Бироқ, бу атама фақат ушбу Давлатда жойлашган манбалардан ёки мулкдан даромад олаётгани учунгина ушбу Давлатда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни ўз ичига олмайди.

2. Агар ушбу модданинг 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унинг мақоми қуйидаги тарзда аниқланади:

а) у қайси Давлатда ўзи учун тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйга эга бўлса, фақат шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади; агар у ҳар иккала Давлатда тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйга эга бўлса, фақат шахсий ва иқтисодий алоқалари яқинроқ бўлган (ҳаётий манфаатлар маркази) Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

б) агар унинг ҳаётий манфаатлар маркази жойлашган Давлатни аниқлаб бўлмаса, ёки у Давлатлардан ҳеч бирида тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйга эга бўлмаса, у одатда яшайдиган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

с) агар шахс одатда ҳар иккала Давлатда яшаса ёки одатда уларнинг ҳеч бирида яшамаса, у қайси Давлатнинг миллий шахси бўлса, фақат ўша Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

д) агар у ҳар иккала Давлатнинг миллий шахси бўлса ёки ҳеч бириники бўлмаса, унда Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бу масалани ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишлари лозим.

3. Агар ушбу модданинг 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахсдан бошқа бўлган шахс ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унда у қайси Давлатнинг қонунларига мувофиқ ташкил этилган бўлса, ўша Давлатнинг резиденти ҳисобланади.

5-модда
Доимий муассаса

1. Ушбу Конвенция мақсадларида «доимий муассаса» атамаси корхонанинг тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман амалга оширадиган доимий фаолият жойини англатади.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) бошқарув жойи;

б) бўлим;

с) офис;

д) фабрика;

е) устахона; ва

ф) шахта, нефт ёки газ қудуғи, қарер ёки табиий ресурслар қазиб олинadиган ҳар қандай бошқа жойни.

3. «Доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

а) қурилиш майдончасини, қурилиш, монтаж ёки йиғув объектни ёки улар билан боғлиқ бўлган назорат фаолиятини бироқ, фақат шундай ҳолдаки, агар шундай майдонча, объект ёки фаолиятнинг давомийлиги 12 ойдан кўпроқ давом этса;

б) Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан хизматлар кўрсатиш, жумладан консалтинг хизматлари корхонанинг шу мақсадлар учун ёллаган хизматчилар ёки бошқа персоналлар орқали амалга оширилиши, бироқ шундай ҳолдаки, агар шу мазмундаги фаолият бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида ҳар қандай ўн икки ойлик давр доирасида 6 ойдан ошадиган давр ёки даврлар мобайнида давом этса.

4. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай «доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

а) иншоотлардан шу корхонага тегишли бўлган товар ёки буюмларни сақлаш, намоиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадларида фойдаланиш;

б) шу корхонага тегишли бўлган товар ёки буюмлар захирасини фақатгина сақлаш, намоиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадларида ушлаб турилиши;

с) шу корхонага тегишли товар ёки буюмлар захирасини бошқа корхона томонидан фақатгина қайта ишлаш мақсадларида ушлаб турилиши;

д) доимий фаолият жойининг фақатгина товар ёки буюмлар сотиб олиш ёки ушбу корхона учун ахборот йиғиш мақсадларида ушлаб турилиши;

е) доимий фаолият жойининг ана шу корхона мақсадлари учунгина бошқа ҳар қандай тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги фаолиятни амалга ошириш мақсадлари йўлида ушлаб турилиши;

й) доимий фаолият жойининг а)–е) кичик бандларида эслатиб ўтилган фаолият турларининг ҳар қандай комбинациялашуви учунгина бундай доимий фаолият жойининг фаолияти ана шу комбинациялашувдан юзага келадиган умумий фаолият тайёргарлик ёки ёрдамчи тусда бўлган тақдирда сақлаб турилиши.

5. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари қоидаларига қарамай, ушбу модданинг 7-банди қўлланиладиган мустақил мақомли агентдан ўзга бўлган шахс, бир Аҳдлашувчи Давлатда бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси номидан иш юритса, унда бу корхона биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб, қаралади, агар:

а) у биринчи эслатиб ўтилган Давлатда ана шундай корхона учун ёки унинг номидан шартномалар тузиш ваколатига эга бўлса ва одатда ундан фойдаланса, ёки

б) у биринчи эслатиб ўтилган Давлатда корхонага тегишли бўлган товар ва буюмлар захирасини ушлаб турса ва ундан ана шундай корхона учун ёки унинг номидан товар ва буюмлар сотса,

ушбу шахснинг фаолияти ушбу модданинг 4-бандида эслатиб ўтилган фаолият турлари билан чекланиб қолмаса, у фаолият жойи орқали амалга оширилса ҳам шу банднинг қоидаларига биноан бундай доимий фаолият жойидан доимий муассаса ҳосил қилмайди.

6. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатнинг суғурта корхонаси, агар бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида суғурта мукофотларини йиғса ёки ушбу модданинг 7-банди тааллуқли бўлган мустақил мақомли агентдан бошқа бўлган шахс орқали у ерда бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни суғурта қилса, қайта суғурта қилиш ҳолларидан ташқари, у ана шу бошқа Давлатда доимий муассасага эга, деб ҳисобланади.

7. Корхона, агар ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда брокер, комиссиянер ёки ҳар қандай бошқа мустақил мақомли агент орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, бунда бу шахсларнинг ҳаракати ўзларининг одатдаги фаолияти доирасида бўлган ҳолдагина бошқа Давлатда доимий муассасага эга, деб қаралмайди.

8. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компанияни назорат қилса ёки назорат қилинса ёки ана шу бошқа Давлатда тижорат фаолиятини (доимий муассаса орқали ёки бошқа

тарзда) амалга ошираётган бўлса, бу ҳол ўз-ўзидан бу компаниялардан бирини бошқаси учун доимий муассасага айлантормайди.

6-модда

Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан оладиган даромадлари (жумладан, қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан олинадиган даромадлар) ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиладиган мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат қонунига мувофиқ эга бўлган маънога эгадир. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу атама ер устидаги мулкчиликка тааллуқли бўлган умумий қонунларини қоидалари билан ҳуқуқи белгилаб берилган кўчмас мулкка тегишли бўлган мулкни, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ишлатиладиган чорва ва воситаларни ҳамда кўчмас мулк узфруктини, минераллар, манбалар ва бошқа табиий ресурсларнинг қатламларини қазиларни ҳақиқат учун товон сифатида тўланадиган ўзгармас тўловлар ҳуқуқини ёки минераллар, манбалар ва бошқа табиий ресурслар қатламларини қазиларни ҳуқуқини ўз ичига олади. Денгиз ва ҳаво кемалари кўчмас мулк сифатида қаралмайди.

3. Ушбу модданинг 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланишдан олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. Ушбу модданинг 1- ва 3-банд қоидалари корхонанинг кўчмас мулкдан олган даромадларига ва мустақил шахсий хизматларни амалга ошириш учун фойдаланидиган кўчмас мулкдан олган даромадларга ҳам қўлланилади.

7-модда

Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойда

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдаси, агар корхона ўз тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширмаётган бўлса фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади. Агар корхона ўз фаолиятини юқорида айтилганидек амалга ошираётган бўлса, корхонанинг фойдаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фақат доимий муассасага тегишли бўлган қисмигина солиққа тортилиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 3-банди қоидаларига мувофиқ, агар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда бундай доимий муассасага ҳисобланадиган фойда у алоҳида ва мустақил корхона сифатида худди шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятни худди шундай ёки шунга ўхшаш шартлар асосида амалга ошириб доимий муассаса ҳисобланган корхонадан мутлақо мустақил равишда иш кўриб олиши мумкин бўлган фойда каби ўтказилади.

3. Доимий муассаса фойдасини аниқлашда ушбу доимий муассаса фаолияти мақсадларида сарфланган харажатларни, жумладан доимий муассаса жойлашган Давлатдаги ҳамда унинг ҳудудидан ташқаридаги каби фаолияти мақсадларида сарфланган бошқарув ва умумий маъмурий харажатларни чегириб ташлашга йўл қўйилади.

Бироқ, доимий муассаса томонидан унинг бош муассасасига ёки резидентнинг бошқа муассасаларидан исталган бирига роялти тўловлари, йиғимлар ёхуд патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун бошқа шунга ўхшаш тўловлар

йўли билан ёки кўрсатилган аниқ хизматлар ёки менежментлик учун комиссия тўловлар тўлаш йўли билан ёки корхонанинг бош идорасига доимий муассасага берилган қарз миқдорига нисбатан фоизларни тўлаш йўли билан тўланган қийматларни чегириб ташлашга йўл қўйилмайди. Шу тарзда доимий муассаса фойдасини аниқлашда доимий муассаса томонидан унинг бош муассасасига ёки резидентнинг бошқа муассасаларидан исталган бирига роялти тўловлари, йиғимлар ёхуд патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун бошқа шунга ўхшаш тўловлар йўли билан ёки кўрсатилган аниқ хизматлар ёки менежментлик учун комиссия тўловлар тўлаш йўли билан ёхуд корхонанинг бош идорасига ёки унинг бошқа идорасига берилган қарз миқдорига нисбатан фоизларни тўлаш йўли билан тўланган қийматлар инобатга олинмайди.

4. Ахдлашувчи Давлатда доимий муассасага тегишли бўлган фойдани корхона оладиган умумий фойда миқдорини унинг турли бўлинмаларига пропорционал тақсимлаш асосида аниқлаш одатдаги амалиёт эканлигига қарамай, ушбу модданинг 2-бандидаги ҳеч бир нарса, одатда қабул қилинганидек, бу Давлатга шундай тақсимлаш асосида солиққа тортиладиган фойдани аниқлашга ҳалақит бермайди; тақсимлашнинг танланган усули шундай бўлиши лозимки, натижа ушбу моддада мавжуд бўлган тамойилларга мувофиқ келиши лозим.

5. Доимий муассаса томонидан корхона учун товар ёки буюмларнинг харид қилинишигагина асосланиб доимий муассасага бирон-бир фойда ҳисобланмайди.

6. Аввалги бандлар мақсадларида доимий муассасага тааллуқли бўлган фойда, агар унинг ўзгариши учун салмоқли ва етарли сабаблар бўлмаса, ҳар йили бир хил услубда аниқланади.

7. Қачонки, фойда ушбу Конвенциянинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини қамраб оладиган бўлса, унда бу моддаларнинг қоидаларига ушбу модда қоидалари таъсир этмайди.

8-модда

Халқаро транспорт

1. Бир Ахдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишдан олган фойдаси фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

2. Ушбу модданинг 1-банди қоидалари қуйидагиларга ҳам қўлланади:

а) халқаро ташишларда фойдаланиладиган экипажсиз кемалар ёки ҳаво кемаларини ижарага беришдан, шу жумладан фрахтлаш асосида олинadиган тасодифий фойдаларга;

б) контейнерлардан фойдаланиш, сақлаш, ижарага бериш (жумладан трейлерлар ва контейнерларни ташиш билан боғлиқ бўлган бошқа ускуналар) юзасидан олинadиган фойдаларга агар бундай фойдалар ушбу модданинг 1-банди татбиқ этиладиган фойдаларга нисбатан қўшимча ёки тасодифий бўлса.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2- бандлари қоидалари пулда, қўшма фаолиятда ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича халқаро ташкилотда иштирок этишдан олинadиган фойдаларга нисбатан ҳам қўлланади.

9-модда

Бирлашган корхоналар

1. Агар:

а) Ахдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Ахдлашувчи Давлат корхонасини бо-

шқаришда, назорат қилишда ёки унинг капиталида бевосита ёки билвосита қатнашса, ёки

б) ўша шахслар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасини ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки капиталида бевосита ёки билвосита қатнашса,

ва ҳар қандай ҳолатда икки корхона ўртасида уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мустақил корхоналар ўртасида яратиладигандан фарқли бўлган шароитлар вужудга келтирилса ёки белгиланса, бунда улардан бирига ҳисобланиши мумкин бўлган, аммо шундай шароитлар натижасида унга ҳисобланмаган ҳар қандай фойда ана шу корхонанинг даромади ёки фойдасига ҳисобланиши ва мувофик равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Қачонки, Аҳдлашувчи Давлат шу Давлат корхонаси фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бўйича ана шу бошқа Давлатда солиққа тортиладиган фойдани киритса — тегишли тарзда солиққа тортса ва шу тарихида киритилган фойда, агар иккала корхона ўртасидаги муносабатлар икки мустақил корхона ўртасидаги муносабатлар каби бўлганида биринчи эслатилган Давлат корхонасига ҳисобланадиган фойда бўлса, у ҳолда ана шу бошқа Давлат шу Давлатга тегишли фойдадан олинадиган солиқ миқдорига зарур тузатишлар киритади. Бундай тузатишларни белгилашда ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларига тегишлича эътиборни қаратиши керак ва зарур бўлса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзаро маслаҳатлашишларни бошлашлари лозим.

10-модда **Дивидендлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган дивидендлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бирок бундай дивидендлар, шунингдек дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда, ана шу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, агар, дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унда шу тарзда олинган солиқнинг миқдори дивидендлар умумий миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Бу банд компаниянинг дивидендлар тўланадиган фойдасини солиққа тортишга тааллуқли эмас.

3. «Дивидендлар» атамаси ушбу моддада қўлланганида, акциялардан ёки қарз талаблари ҳисобланмаган, фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳуқуқлардан олинадиган даромадни, шунингдек фойдани тақсимловчи компания резидент бўлган Давлатнинг қонунларига мувофик, акциялардан олинадиган даромад каби худди шундай солиққа тортиш орқали тартибга солинадиган бошқа даромадларни англатади.

4. Агар дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган ҳолда, ана шу дивидендларни тўлаётган компания резидент бўлган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз фаолиятини у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширса ёки ушбу бошқа Давлатда мустақил шахсий хизматларни у ерда жойлашган доимий базадан кўрсатса ва дивидендлар тўланадиган ҳолдинг асида шу доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса, ушбу модданинг 1- ва 2-банд қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, вазиятга қараб, 7-модда ёки 14-модданинг қоидалари қўлланилади.

5. Агар бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашув-

чи Давлатдан фойда ёки даромад олаётган бўлса, ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлат компания тўлаётган дивидендларни солиққа тортмаслиги мумкин, бунда дивидендлар ана шу бошқа Давлат резидентига тўланадиган ёки дивидендлар тўланадиган холдинг шу бошқа Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлса, шунингдек компаниянинг тақсимланмаган фойдасидан солиқлар олинмайди, компаниянинг тақсимланмаган фойдаси ҳатто тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда ана шу бошқа Давлатда тўла ёки қисман ҳосил бўлган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам.

11-модда **Фоизлар**

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида ҳосил бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган фоизлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бирок бундай фоизлар, шунингдек улар ҳосил бўладиган Аҳдлашувчи Давлатда, шу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, аммо фоизларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, бундай ҳолда солиқ фоизлар ялпи миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандларнинг қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан тўланадиган фоизлар бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади, агар фоизларнинг ҳақиқий эгаси шу Давлатнинг ўзи ёки маҳаллий ҳокимият органлари, ёки

а) Ўзбекистонга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки ёки Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари томонидан келишиладиган ана шу Давлатга тўлиқ тегишли бўлган шунга ўхшаш молиявий муассаса;

б) Болгарияга нисбатан — Болгария Марказий банки ёки Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари томонидан келишиладиган ана шу Давлатга тўлиқ тегишли бўлган шунга ўхшаш молиявий муассаса.

4. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда ипотека таъминотидан қатъи назар ва қарздорнинг фойдаларида иштирок этиш ҳуқуқидан ва хусусан ҳукумат қимматбаҳо қоғозларидан олинадиган даромад ва облигация ёки қарз мажбуриятларидан олинадиган даромаддан, жумладан ана шу қимматбаҳо қоғозлар, облигация ёки қарз мажбуриятлари бўйича олинадиган мукофот ва ютуқлардан қатъи назар, ҳар қандай турдаги қарз мажбуриятларидан олинадиган даромадни англатади. Тўлов муддати чўзиб юборилганлиги учун қўлланиладиган жарималар ушбу модда мақсадларида фоизлар сифатида қаралмайди.

5. Агар фоизларнинг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўла туриб, фоизлар ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини олиб бораётган бўлса ёки ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса ва фоизлар тўланаётган қарз талаблари шундай доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлса, ушбу модданинг 1-ва 2-банд қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, вазиятга қараб, ушбу Конвенциянинг 7-модда ёки 14-моддаси қоидалари қўлланади.

6. Фоизлар Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади, қачонки, фоизларни тўловчи Давлатнинг ўзи, шу Давлатнинг маҳаллий ҳокимият органи ёки резиденти бўлса. Бирок, фоизларни тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассаса ёки доимий базага эга бўлса, шу туфайли қарз бўйича фоизлар тўлаш мажбу-

рияги вужудга келган бўлса ва шундай фоизлар тўлаш бўйича харажатларни доимий муассаса ёки доимий база амалга оширса, бунда фоизлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган ўша Ахдлашувчи Давлатда вужудга келган, деб ҳисобланади.

7. Агар тўловчи билан амалда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасидаги ёки улар иккаласи ва ҳар қандай бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида фоизлар миқдори тўловчи билан амалда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ортиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда, тўловнинг ортиқча қисмидан ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Ахдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ, аввалгидек солиққа тортилади.

8. Ушбу Конвенциянинг 7-моддаси қоидаларига қарамай, бир Ахдлашувчи Давлатда ҳосил бўладиган ва бошқа Ахдлашувчи Давлат резидентига тегишли бўладиган фоизлар, агар у кафолатланган, суғурта қилинган займга нисбатан ёки Ахдлашувчи Давлат номидан унинг ваколатли органи томонидан кафолатланган ёки суғурталанган бошқа ҳар қандай қарз талабномаси ёки кредитга нисбатан тўланган бўлса, биринчи эслатиб ўтилган Давлатда солиқдан озод этилади.

12-модда **Роялти**

1. Бир Ахдлашувчи Давлатда ҳосил бўладиган ва бошқа Ахдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида суд ва нотариал бож ва чиқимларни тўлаш, қоплаш ва гаровга қўйишдан озод қилинадилар, шунингдек, Аҳдлашувчи Томоннинг ўз фуқаролари сингари ўша шартлар ва ҳажмда бепул юридик ёрдамдан фойдаланадилар.

Ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган имтиёзлар аниқ иш бўйича, шу жумладан, қарорни ижро этиш бўйича амалга оширилаётган барча процессуал ҳаракатларга татбиқ қилинади.

3-модда

Оилавий ва мулкӣ ҳолат тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш

Ушбу Шартноманинг 2-моддасида кўзда тутилган имтиёзлар тўғрисида илтимоснома тақдим этган шахснинг оилавий ва мулкӣ ҳолати тўғрисидаги ҳужжат асосида тақдим этилади. Ушбу ҳужжат Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси ёки унинг ҳудудида доимий яшаб турган шахсга ваколатли муассасалари томонидан берилди.

Агар илтимоснома берувчи шахс Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудида турар жойига эга бўлмаса, у фуқаро бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан берилган ҳужжатни тақдим этиши етарли.

Имтиёзлар бериш тўғрисидаги илтимоснома бўйича, қарор чиқарувчи адлия муассасаси зарурат туғилганда, ҳужжатни берган муассасадан қўшимча маълумотларни ёки зарур тушунтиришларни талаб қилиши мумкин.

II-Боб. Ҳуқуқий ёрдам

4-модда

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

Аҳдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари фуқаролик ишлари бўйича миллий қонунчилик ва ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ушбу Шартноманинг 8-моддасига мувофиқ тузилган илтимосномалар асосида амалга оширилади.

Адлия муассасалари фуқаролик ишлари бўйича бошқа муассасаларга ҳам ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари мумкин.

5-модда

Ҳуқуқий ёрдам ҳажми

Ҳуқуқий ёрдам миллий қонунчиликда кўзда тутилган процессуал ва бошқа ҳаракатларни бажаришни ўзида мужассам этади, шу жумладан:

- 1) ҳужжатларни тузиш ва жўнатиш, тегишли ҳужжат ва материалларнинг асли ёки тасдиқланган нусхасини, шу жумладан, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш;
- 2) ёзма ва/ёки ашёвий далилларни тақдим этиш;
- 3) кўздан кечириш ва текширувни ўтказиш;
- 4) экспертиза ўтказиш;

- 5) томонларни, учинчи шахсларни, гувоҳларни, экспертларни ва процесснинг бошқа қатнашчиларини сўроқ қилиш;
- 6) суд ҳужжатларини тақдим этиш;
- 7) фуқаролик ишлари бўйича, суд ва бошқа адлия муассасаларининг қарорларини, фуқаровий даъво қисмидаги жиноий ишлар бўйича ҳукмларни тан олиш ва ижро этиш;
- 8) суд чақирув қоғози ва бошқа ҳужжатларни топшириш.

6-модда

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни рад этиш

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоснома, агар уни бажариш инсон ҳуқуқлари бузилишига, давлат суверенитетига ёки хавфсизлигига зарар келтирса ёхуд Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига зид бўлса, тўла ёки қисман рад этилиши мумкин.

Илтимосномани қондириш рад этилгани тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, сўраётган Аҳдлашувчи Томон бу ҳақда, рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилинади.

7-модда

Муносабатлар тартиби

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда Аҳдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари бир-бирлари билан марказий адлия органлари орқали ёки ушбу Шартномада қайд этилган бошқа тартибда муносабатга киришадилар.

Ушбу Шартнома мақсадларида марказий адлия органлари бўлиб:

Ўзбекистон Республикаси учун — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги,
Болгария Республикаси учун — Болгария Республикаси Адлия вазирлиги ҳисобланади.

Ушбу Шартнома кучга кирганидан сўнг бир ой муддат ичида Аҳдлашувчи Томонлар марказий адлия органлари тўғрисида маълумот, шунингдек манзил ва бошқа керакли ахборотни алмашадилар. Ушбу маълумотга киритилган барча ўзгаришлар тўғрисида Аҳдлашувчи Томонлар ўз вақтида бир-бирларини хабардор қиладилар.

8-модда

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосноманинг мазмуни

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоснома ёзма равишда жўнатилади ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- 1) сўраётган адлия муассасасининг номи ва сўралаётган адлия муассасасининг номи;
- 2) ҳуқуқий ёрдам сўралаётган ишнинг номи, илтимос мақсадининг баёни ва сўралаётган ёрдамнинг тавсифи;
- 3) томонлар, даъво қилувчилар, гувоҳларининг исм ва фамилиялари, доимий яшаш ёки турар жойлари, фуқаролиги, машғулоти, юридик шахслар учун уларнинг номи, юридик адрес ва/ёки жойлашган жойи тўғрисида маълумот;
- 4) 3-бандда кўрсатилган шахсларнинг вакиллари бўлган ҳолларда, уларнинг исмлари, фамилиялари ва манзиллари;
- 5) сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг тегишли қонун ва бошқа ҳуқуқий актларининг матн ёки мазмунлари;

6) ижро этиш учун сўралаётган аниқ ҳаракатларни қўллаш сабаблари ва уларнинг тўлиқ ёзма ифодаси;

7) сўралаётган ҳаракатлар ёки ўхшаш натижаларга олиб келувчи бошқа чоратадбирлар Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг қонунчилигига мувофиқ қабул қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги баёнот;

8) зарур бўлган ҳолларда, қайси давр мобайнида илтимоснома бажарилиши кутилаётган муддатни кўрсатиш.

Зарур бўлган ҳолларда илтимосномага илтимосни бажарилишини енгиллаштирувчи ҳужжатлар ёки тегишли тартибда тасдиқланган ҳужжатларнинг нусхалари ё улардан кўчирмалар илова қилинади.

Ҳужжатларни топшириш тўғрисидаги илтимосномада олувчининг аниқ адреси ва ҳужжатларнинг номлари кўрсатилиши лозим.

Илтимоснома сўраётган адлия муассасасининг тегишли мансабдор шахси томонидан имзоланган ва расмий муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

9-модда

Ижро этиш тартиби

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосномани ижро этишда сўралаётган адлия муассасаси ўз давлатининг қонунчилигини қўллайди. Сўраётган адлия муассасасининг илтимосига кўра, у сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг процессуал нормаларини, агар сўралаётган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига зид бўлмаса, қўллаши мумкин.

Агар сўралаётган адлия муассасаси ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосномани ижро этишга ваколатли бўлмаса, у илтимосномани ваколатли муассасага жўнатади ва бу ҳақда сўраётган адлия муассасасини хабардор қилади.

Сўраётган адлия муассасасининг илтимосномасига биноан сўралаётган адлия муассасаси унга ва манфаатдор томонларга, агар сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги билан бунга йўл қўйиладиган бўлса, илтимосни бажариш чоғида иштирок этишилари учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосномани бажариш вақти ва жойи тўғрисида ўз вақтида хабардор этади.

Аҳдлашувчи Томонлар адлия муассасалари ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосномани ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун зарур чора-тадбирлар кўрадилар. Илтимос бажарилгандан кейин, адлия муассасаси зарур ҳолларда, сўраётган адлия муассасасининг илтимосномасига кўра, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.

Ушбу Шартноманинг 6-моддасига мувофиқ ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мумкин бўлмаган тақдирда, сўралаётган адлия муассасаси сўраётган адлия муассасасига ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномани ва илова қилинган бошқа ҳужжатларни қайтариб беради.

10-модда

Гувоҳ ва экспертларни чақириш

Зарур бўлганда Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудида иш судда кўрилатганда қатнашиш учун зарурат туғилса, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги гувоҳ ва экспертлар чақиртирилиши мумкин.

Сўралаётган Аҳдлашувчи Томоннинг гувоҳ ва экспертга, йўлкира ва сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида бўлиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда ишдан чалғиган кунлари учун олинмаган иш ҳақи қопланади. Эксперт экспертиза ўтказганлиги учун ҳам ҳақ олиш ҳуқуқига эгадир. Чақирув қоғозида чақирилган шахс-

лар қандай тўловларни олишга ҳақли эканлиги кўрсатилиши лозим. Бундай шахсларнинг илтимосларига кўра, сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг марказий адлия органи уларга тегишли харажатларни қоплаш учун аванс тўлайди. Аванс тўлаш сўраётган Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик ваколатхонаси орқали амалга оширилиши мумкин.

Гувоҳ ва экспертни чақириш тўғрисидаги ҳужжатда келмаганлиги учун мажбурловчи чораларни қўллаш ҳақида таҳдид бўлиши мумкин эмас.

11-модда **Иммунитет**

Ушбу Шартноманинг 10-моддасига мувофиқ, чақирилган гувоҳ ва/ёки эксперт, ўзининг фуқаролигидан қатъи назар, сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида унинг давлат чегарасидан ўтгунгача содир этган қандайдир хатти-ҳаракат муносабати билан жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки жазоланиши мумкин эмас. Ушбу шахслар ўзларининг кўриб чиқиладиган иш бўйича кўрсатмалари ёки экспертлар сифатидаги хулосалари муносабати билан ҳам жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки жазоланиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, агар улар сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан, бунинг учун имкониятга эга бўлишса-да, уларга бундан буён уларнинг бу ерда бўлишларига зарурат йўқлигини хабар қилган кундан бошлаб ўн беш кун ўтгунгача кетишмаса, ушбу банд билан назарда тутилган кафолатларни йўқотадилар. Ушбу шахслар сўраётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан ўзига алоқадор бўлмаган айб билан жўнаб кета олмаган вақт ушбу муддат ҳисобига кирмайди.

12-модда **Ҳужжатларни топшириш тартиби**

Чақирув қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар сўралаётган Аҳдлашувчи Томон илтимосига ва унинг ҳудудида амалда бўлган қоидаларга мувофиқ топширилади, агар топшириладиган ҳужжатлар ушбу Шартноманинг 17-моддасига мувофиқ тасдиқланган таржима билан илова қилинган бўлса. Акс ҳолда, олувчи уларни ихтиёрий равишда қабул қилишга рози бўлса, ҳужжатлар олувчига берилади.

Агар ҳужжатларни илтимосномада кўрсатилган адрес бўйича топшириш мумкин бўлмаса, сўралаётган адлия муассасаси ўз давлати қонунчилигига мувофиқ манзилни аниқлаш учун зарур чора-тадбирлар кўради. Манзилни аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, сўралаётган адлия муассасаси органи сўраётган адлия муассасасини бу ҳақда хабардор қилади ва топширилиши лозим бўлган ҳужжатларни унга қайтаради.

Ҳужжатларнинг топширилганлигини тасдиқлаш сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалда бўлган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади. Тасдиқномада топширилган вақти, жойи ва усули, шунингдек, ҳужжатлар топширилган шахс кўрсатилиши лозим. Ҳужжатларни топшириш тасдиқномаси сўраётган марказий органга жўнатилади.

13-модда

Дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг ваколатлари

Ахдлашувчи Томонлар ўзларининг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида бўлган ўз фуқароларига ҳужжатларни топшириш ҳуқуқига эга. Бунда мажбурий тусдаги чоралар қўллаш ёки қўллашга таҳдид қилиш мумкин эмас.

14-модда

Фуқаролик ҳолати ҳақида ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни жўнатиш

Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари ўз давлатлари фуқароларининг фуқаролик ҳолатлари ҳақидаги далолатномаларини рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар, маълумоти, меҳнат стажи ҳақида ҳужжатларни ҳамда давлат органлари томонидан бериладиган шахсий ёки мулкӣ манфаатларига тааллуқли бошқа ҳужжатларни бевосита бир-бирларига илтимос асосида таржимасиз ва бепул жўнадилар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ҳар бир Ахдлашувчи Томоннинг адлия муассасаси томонидан бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида яшовчи манфаатдор шахсларга таржимасиз бевосита жўнатилиши мумкин.

15-модда

Адрес ва бошқа маълумотларни аниқлаш

Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари ўз давлатлари қонунчилигига мувофиқ, агар фуқаролар ҳуқуқларини амалга ошириш учун талаб қилинса, Ахдлашувчи Томонлар ҳудудларида яшовчи шахсларнинг манзилини аниқлашда бир-бирига ўзаро ёрдам берадилар. Бунда сўраётган адлия муассасаси илтимосномада кўрсатилган шахснинг манзилини аниқлашда ёрдам бериши мумкин бўлган ўзидаги мавжуд маълумотлар тўғрисида хабардор қилади.

Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари сўралаётган Ахдлашувчи Томон яшайдиган, сўраётган Ахдлашувчи Томон адлия муассасаларида фуқаролик ишлари бўйича мулкӣ муносабатлар талаблар қўйилган—шахсларнинг фуқаролик ҳолати, иш жойи ёки машғулоти ва даромадлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлашда бир-бирига ёрдам кўрсатади.

Ушбу моддага мувофиқ ҳуқуқӣ ёрдам кўрсатишда Ахдлашувчи Томонларнинг адлия муассасалари бир-бири билан ушбу Шартноманинг 7-моддасида кўрсатилган марказий адлия органлари орқали ҳамда бевосита муносабатга киришадилар.

16-модда

Ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги

Ахдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудидаги муассаса ёки бунга махсус ваколатланган шахс томонидан уларнинг ваколоти доирасида белгиланган шаклда тайёрланган ёки тасдиқланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган ҳужжатлар бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида ҳеч қандай бошқа махсус гувоҳномасиз қабул қилинади.

Бир Ахдлашувчи Томон ҳудудида расмий ҳужжатлар сифатида қараладиган ҳужжатлар бошқа Ахдлашувчи Томон ҳудудида ҳам расмий ҳужжатларнинг исботловчи кучи билан фойдаланади.

17-модда
Тиллар

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Шартномани бажариш доирасида бир-бири билан муносабатларда рус тилидан ёки бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат тилидан фойдаланадилар.

Аҳдлашувчи Томонларнинг давлат тилларида ёки бошқа тилларда жўнатиладиган ҳужжатлари рус тилига таржимаси билан илова қилинишлари лозим. Шунингдек, Аҳдлашувчи Томонлар бошқа зарур бўлган ҳолларда, рус тилидаги ёзма ва оғзаки таржимани таъминлайдилар.

Ҳужжатларнинг ёзма таржимаси тўғрилигини тасдиқлаш Аҳдлашувчи Томонлар қонунчилиги ва ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

18-модда
Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар

Сўралаётган Аҳдлашувчи Томон ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни қоплашни талаб қилмайди. Агар ушбу Шартнома бўйича бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, Аҳдлашувчи Томонлар ўз ҳудудларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан юзага келадиган барча харажатларни ўзлари қоплайдилар.

19-модда
Ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот

Аҳдлашувчи Томонларнинг марказий адлия органлари бир-бирларига илтимосномага биноан, ўз давлатларида амалдаги ва амалда бўлган қонунчилик ҳамда унинг қўлланилиши тажрибаси ҳақидаги маълумотларни, шунингдек ҳуқуқий масалалари бўйича бошқа ахборотларни тақдим этадилар.

II-Бўлим. Қарорларни эътироф қилиш ва ижро этиш

20-модда
Қарорларни эътироф қилиш ва ижро этиш

Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири, ушбу Шартномада кўзда тутилган шартлар асосида, қуйидаги қонуний кучга эга бўлган, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида чиқарилган қонуний кучга кирган қуйидаги қарорларни эътироф қилади ва ижро этади:

1) суд ва бошқа адлия муассасаларининг фуқаролик ишлари бўйича қарорлари, шунингдек, шундай ишлар бўйича суд томонидан тасдиқланган ярашув битимлари (бундан кейин — «қарорлар»);

2) жиноий ишларни фуқаролик даъвосига тегишли қисми бўйича судларнинг ҳукмлари.

21-модда
Қарорни эътироф қилиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимоснома

Қарорларни эътироф қилиш ва ижро этишга рухсат бериш тўғрисида илтимоснома қарор ижро этиш лозим бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли судига берилади. Илтимоснома биринчи поғонадаги иш бўйича қарор чиқарган судга топширилиши мумкин. Ушбу суд илтимосномани ушбу илтимоснома бўйича қарор чиқариш ваколатига эга бўлган судга жўнатади.

Илтимосномага қўйидагилар илова қилинади:

1) қарор ёки унинг тасдиқланган нусхаси, шунингдек, қарор қонуний кучга кирганлиги ва ижро этилиши кераклиги ҳақидаги расмий ҳужжат ёки у қонуний кучга киргунга қадар ижро этилиши керак бўлган, агар бу қарорнинг ўзидан келиб чиқмаса, ҳужжат;

2) жараёнда иштирок этмаган томонга қарши қарор чиқарилганлигини, белгиланган тартибда ва ўз вақтида судга чақиртирилганлигини ва келмаганлиги натижалари тўғрисида хабардор бўлганлиги, унинг процессуал муомалага лаёқатли эмаслиги ҳоллари эса белгиланган равишда айтилганлигини билдирувчи ҳужжат;

3) ҳужжат жўнатилиш вақтида қарорни қисман бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

4) келишилган судлов ишлари бўйича томонларнинг келишувини тасдиқловчи ҳужжат.

22-модда

Қарорларни эътироф қилиш ва ижро этиш тартиби

Ушбу Шартноманинг 20-моддасида кўзда тутилган қарорларни эътироф қилиш ва ижро этишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимосномалар, ҳудудида ижро амалга оширилиши лозим бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг судлари томонидан кўриб чиқилади.

Қарорларни эътироф қилиш ва ижро этишга рухсат бериш тўғрисида илтимосномани кўриб чиқаётган суд ушбу Шартномада кўзда тутилган шартларга риоя қилинганлигини белгилаш билан чекланади. Шартларга риоя қилинган ҳолларда суд қарорни эътироф қилиш ва ижро этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорни эътироф қилиш ва ижро этиш тартиби ушбу Шартнома қоидаларига ҳамда ҳудудида у амалга оширилиши лозим бўлган Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

23-модда

Суд қарорларини эътироф қилиш ва ижро этишни рад этиш

Ушбу Шартноманинг 20-моддасида кўзда тутилган қарорларни эътироф қилиш ёки ижро этишга рухсат беришни қўйидаги ҳолларда рад этиш мумкин:

1) ҳудудида чиқарилган қарор Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига мувофиқ қонуний кучга кирмаган ёки ижро этилмаган бўлса, қарор қонуний кучга киргунга қадар ижро этилиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустаснодир;

2) жавобгар ўзига ёки унинг вакилига ўз вақтида ва тегишли равишда судга чақирув қоғози белгиланганлиги сабабли жараёнда иштирок этмаган бўлса;

3) ушбу Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги ушбу баҳс бўйича шу қарор эътироф қилиниши ва ижро этилиши лозим бўлган ва шу асосда Аҳдлашувчи Томон ҳудудида олдин ҳам қонуний кучга кирган қарор чиқарилган ёки учинчи давлат судининг эътироф қилган қарори бўлган ёхуд ушбу Аҳдлашувчи Томон муассасаси томонидан ушбу иш бўйича кўриб чиқиш қўзғатилганда;

4) ушбу Шартнома қоидаларига асосан, ушбу Шартномада кўзда тутилмаган вазиятларда эса ўз ҳудудида қарор тан олиниши ва ижро қилиши зарур бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига асосан, иш унинг муассасалари истисноли ваколатига тааллуқли бўлганда;

5) келишилган судлов иши бўйича томонларнинг келишувини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаганда;

6) суд кўриб чиқаётган қарорларни эътироф қилиш ва ижро этиш тўғрисидаги

илтимоснома Аҳдлашувчи Томонларнинг қонунчилигида назарда тутилган ижро этиш муддати ўтиб кетганда.

III-Бўлим. Яқуний қоидалар

24-модда

Баҳсларни ҳал қилиш

Ушбу Шартномани талқин қилиш ёки қўллашда Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида баҳслар пайдо бўлган ҳолларда, Аҳдлашувчи Томонлар келишмовчиликларни маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Зарур бўлган ҳолларда Аҳдлашувчи Томонлар Шартномани қўлланилишини кузатиш ва вужудга келиши мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал қилувчи қўшма комиссияни тузишлари мумкин.

25-модда

Бошқа халқаро шартномаларга муносабат

Ушбу Шартнома қоидалари Аҳдлашувчи Томонлар иштирокчилар бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган уларнинг мажбурият ва ҳуқуқларига дахл қилмайди.

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Шартномада тилга олинган масалалар бўйича, унинг қоидаларини тўлдириш ёки кучайтириш ё унда ўрнатилган тамойилларни қўлланишини енгилаштириш мақсадида, ўзаро, шу жумладан, идоралараро битимлар тузишлари мумкин.

26-модда

Қўшимча ва ўзгартишларни киритиш

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Шартномага баённомалар орқали расмийлаштирилдиган қўшимча ва ўзгартиришларни киритиши мумкин. Улар ушбу Шартноманинг 27-моддасида кўзга тутилган тартибда кучга кирганидан сўнг унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

27-модда

Кучга кириш

Ушбу Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмашинувидан сўнг, ўттизинчи куни кучга киради.

28-модда

Амал қилиш муддати ва денонсация

Ушбу Шартнома ноаниқ муддатга тузилган.

Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилиб ушбу Шартномани денонсация қилиши мумкин. Бу ҳолда Шартнома мазкур Аҳдлашувчи Томоннинг хабарномасини олган кундан сўнг олти ой ўтгандан кейинги ойнинг биринчи куни ўз кучини йўқотади.

29-модда
Шартномани қўллаш

Ушбу Шартнома у кучга киргунга қадар вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ҳам қўлланади.

София шаҳрида 2003 йил 24 ноябрда икки асл нусхада ҳар бири ўзбек, болгар ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эгадир.

Ушбу Шартнома қоидаларини талқин қилиш мақсадида рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

ДОГОВОР
между Республикой Узбекистан и Республикой Болгария
о правовой помощи по гражданским делам

*(Ратифицирован постановлением Олий Мажлиса Республики
Узбекистан от 30 апреля 2004 года № 624-II*)*

(Вступает в силу 11 ноября 2004 года)

Республика Узбекистан и Республика Болгария, далее именуемые как «Договаривающиеся Стороны»,

руководствуясь общепризнанными нормами международного права,
стремясь обеспечить равную правовую защиту личных и имущественных прав
граждан обеих Договаривающихся Сторон,

придавая большое значение развитию правового сотрудничества по гражданским делам,

договорились о нижеследующем:

Раздел I. Общие положения

Глава I. Правовая защита

Статья 1
Предоставление правовой защиты

Граждане каждой из Договаривающихся Сторон, а также лица без гражданства, постоянно проживающие на ее территории (далее именуемые «граждане»), пользуются на территории другой Договаривающейся Стороны в отношении своих личных и имущественных прав такой же правовой защитой, как и собственные граждане данной Договаривающейся Стороны.

* Собрание законодательства РУз, 2004 г., № 19, ст. 215.

Граждане каждой из Договаривающихся Сторон имеют право свободно и беспрепятственно обращаться в суд, прокуратуру и иные учреждения другой Договаривающейся Стороны, к компетенции которых относятся гражданские дела (далее именуемые «учреждения юстиции»), могут выступать в них, возбуждать ходатайства, предъявлять иски и осуществлять иные процессуальные действия на тех же условиях, что и граждане данной Договаривающейся Стороны.

Положения настоящего Договора применяются соответственно к юридическим лицам, созданным на территориях Договаривающихся Сторон в соответствии с их законодательством.

Для целей настоящего Договора термин «гражданские дела» означает гражданские, семейные и торговые (хозяйственные) дела, а также гражданско-правовые отношения.

Статья 2

Освобождение от уплаты пошлин и возмещения издержек

Граждане каждой из Договаривающихся Сторон освобождаются на территории другой Договаривающейся Стороны от уплаты и возмещения судебных и нотариальных пошлин и издержек, внесения залога, а также пользуются бесплатной юридической помощью на тех же условиях и в том же объеме, что и собственные граждане данной Договаривающейся Стороны.

Льготы, предусмотренные частью первой настоящей статьи, распространяются на все процессуальные действия, осуществляемые по конкретному делу, включая исполнение решения.

Статья 3

Представление документа о семейном и имущественном положении

Льготы, предусмотренные статьей 2 настоящего Договора, предоставляются на основании документа о семейном и имущественном положении лица, возбуждающего ходатайство о льготах. Этот документ выдается компетентным учреждением Договаривающейся Стороны, гражданином которой является или на территории которой постоянно проживает данное лицо.

Если лицо, возбуждающее ходатайство, не имеет на территории Договаривающихся Сторон места жительства, то достаточно представить документ, выданный ему соответствующим дипломатическим представительством или консульским учреждением Договаривающейся Стороны, гражданином которой оно является.

Учреждение юстиции, выносящее решение по ходатайству о предоставлении льгот, может в случае необходимости затребовать от учреждения, выдавшего документ, дополнительные данные или необходимые разъяснения.

Глава II. Правовая помощь

Статья 4

Оказание правовой помощи

Учреждения юстиции Договаривающихся Сторон оказывают друг другу правовую помощь по гражданским делам в соответствии с национальным законодательством и положениями настоящего Договора. Оказание правовой помощи осуществляется на основании просьб, составленных в соответствии со статьей 8 настоящего Договора.

Учреждения юстиции могут оказывать правовую помощь по гражданским делам и другим учреждениям.

Статья 5 **Объем правовой помощи**

Правовая помощь включает в себя исполнение процессуальных и иных действий, предусмотренных национальным законодательством, в том числе:

- 1) составление и пересылка документов, предоставление оригиналов или заверенных копий соответствующих документов и материалов, включая финансовые, юридические и иные документы;
- 2) передача письменных и/или вещественных доказательств;
- 3) проведение осмотра и освидетельствования;
- 4) производство экспертизы;
- 5) допрос сторон, третьих лиц, свидетелей, экспертов и других участников процесса;
- 6) предоставление судебных документов;
- 7) признание и исполнение решений суда и иных учреждений юстиции по гражданским делам, приговоров по уголовным делам в части гражданского иска;
- 8) вручение судебных повесток и иных документов.

Статья 6 **Отказ в оказании правовой помощи**

В удовлетворении просьбы о правовой помощи может быть отказано полностью или частично, если ее исполнение может повлечь нарушение прав человека, нанести ущерб суверенитету или безопасности государства, либо противоречит законодательству запрашиваемой Договаривающейся Стороны.

В случае принятия решения об отказе в удовлетворении просьбы запрашивающая Договаривающаяся Сторона письменно уведомляется об этом с указанием причин отказа.

Статья 7 **Порядок сношений**

Учреждения юстиции Договаривающихся Сторон при оказании правовой помощи сносятся друг с другом через центральные органы юстиции или в ином порядке, установленном настоящим Договором.

Центральными органами юстиции для целей настоящего Договора являются: для Республики Узбекистан — Министерство юстиции Республики Узбекистан;

для Республики Болгария — Министерство юстиции Республики Болгария.

В месячный срок после вступления в силу настоящего Договора Договаривающиеся Стороны обмениваются сведениями о центральных органах, включая адреса и другие необходимые данные. Обо всех изменениях в этих сведениях Договаривающиеся Стороны будут своевременно информировать друг друга.

Статья 8 **Содержание просьбы об оказании правовой помощи**

Просьба об оказании правовой помощи направляется в письменном виде и должна содержать:

- 1) название запрашивающего учреждения юстиции и название запрашиваемого учреждения юстиции;
- 2) наименование дела, по которому запрашивается правовая помощь, изложение цели просьбы и описание запрашиваемой помощи;
- 3) имена и фамилии сторон, заявителей, свидетелей, сведения о местах их жительства или пребывания, гражданстве, роде занятий, а для юридических лиц — их наименование, юридический адрес и/или место нахождения;
- 4) при наличии представителей лиц, указанных в пункте 3 — их имена, фамилии и адреса;
- 5) тексты или изложение соответствующих законов и иных правовых актов запрашивающей Договаривающейся Стороны;
- 6) причины применения, если нужно, и подробное описание конкретных действий, исполнение которых запрашивается;
- 7) заявление о том, что запрашиваемые действия или любые другие меры, ведущие к аналогичным результатам, могут быть приняты на территории запрашивающей Договаривающейся Стороны в соответствии с ее законодательством;
- 8) указание сроков, в течение которых ожидается исполнение просьбы, когда это необходимо.

При необходимости к просьбе прилагаются соответствующие документы или надлежащим образом заверенные копии документов или выписки из них, облегчающие исполнение просьбы.

В просьбе о вручении документов должны быть также указаны точный адрес получателя и наименование документов.

Просьба должна быть подписана соответствующим должностным лицом и скреплена официальной печатью запрашивающего учреждения юстиции.

Статья 9 **Порядок исполнения**

При исполнении просьбы об оказании правовой помощи запрашиваемое учреждение юстиции применяет законодательство своего государства. По просьбе запрашивающего учреждения юстиции оно может применить также и процессуальные нормы запрашивающей Договаривающейся Стороны, если только они не противоречат законодательству запрашиваемой Договаривающейся Стороны.

Если запрашиваемое учреждение юстиции не компетентно исполнить просьбу об оказании правовой помощи, оно пересылает просьбу компетентному учреждению и уведомляет об этом запрашивающее учреждение юстиции.

По просьбе запрашивающего учреждения юстиции запрашиваемое учреждение юстиции своевременно сообщает ему и заинтересованным сторонам о времени и месте исполнения просьбы о правовой помощи для того, чтобы они могли присутствовать при исполнении просьбы, если это допускается законодательством запрашиваемой Договаривающейся Стороны.

Учреждения юстиции Договаривающихся Сторон принимают необходимые меры к своевременному и полному исполнению просьб о правовой помощи. После исполнения просьбы учреждение юстиции в случае необходимости по просьбе возвращает запрашивающему учреждению юстиции документы, которые были приложены к просьбе об оказании правовой помощи.

В том случае, когда правовая помощь не может быть оказана согласно статье 6 настоящего Договора, запрашиваемое учреждение юстиции возвращает запраши-

вающему учреждению юстиции просьбу о правовой помощи и прилагаемые документы.

Статья 10 **Вызов свидетелей и экспертов**

В случае необходимости для участия в рассмотрении дела в суде на территории одной Договаривающейся Стороны могут быть вызваны свидетели и эксперты, находящиеся на территории другой Договаривающейся Стороны.

Свидетелю и эксперту запрашивающей Договаривающейся Стороной возмещаются расходы, связанные с проездом и пребыванием на территории запрашивающей Договаривающейся Стороны, как и неполученная заработная плата за дни отвлечения от работы. Эксперт имеет также право на вознаграждение за проведение экспертизы. В вызове должно быть указано, какие выплаты вправе получить вызванные лица. По ходатайству таких лиц центральный орган юстиции запрашивающей Договаривающейся Стороны выплачивает им аванс на покрытие соответствующих расходов. Выплата аванса может быть произведена через дипломатическое представительство запрашивающей Договаривающейся Стороны.

В документе о вызове свидетеля и/или эксперта не должно содержаться угрозы применения средств принуждения в случае неявки.

Статья 11 **Иммунитет**

Свидетель и/или эксперт, вызванные в соответствии со статьей 10 настоящего Договора, независимо от своего гражданства, не могут быть привлечены на территории запрашивающей Договаривающейся Стороны к уголовной или административной ответственности, взяты под стражу или подвергнуты наказанию в связи с деянием, совершенным ими до пересечения ее государственной границы. Эти лица не могут быть также привлечены к уголовной или административной ответственности, взяты под стражу или подвергнуты наказанию в связи с их показаниями или заключениями экспертов по делу, являющемуся предметом рассмотрения.

Лица, указанные в первой части настоящей статьи, утрачивают предусмотренные настоящей статьей гарантии, если они не покинут территорию запрашивающей Договаривающейся Стороны, хотя и имеют для этого возможность, до истечения пятнадцатидневного срока с того дня, когда им будет сообщено, что в дальнейшем их присутствии нет необходимости. В этот срок не засчитывается время, в течение которого эти лица не по своей вине не смогли покинуть территорию запрашивающей Договаривающейся Стороны.

Статья 12 **Порядок вручения документов**

Вручение повесток и других документов осуществляется в соответствии с просьбой и правилами, действующими на территории запрашиваемой Договаривающейся Стороны, если вручаемые документы сопровождаются заверенным переводом в соответствии со статьей 17 настоящего Договора. В противном случае документы передаются получателю, если только он согласен принять их.

Если документы не могут быть вручены по адресу, указанному в просьбе, запрашиваемое учреждение юстиции принимает в соответствии с законодательством своего государства меры, необходимые для установления адреса. В случае, когда

установление адреса окажется невозможным, запрашиваемое учреждение юстиции орган уведомляет об этом запрашивающее учреждение юстиции и возвращает ему документы, подлежащие вручению.

Подтверждение вручения документов оформляется в соответствии с правилами, действующими на территории запрашиваемой Договаривающейся Стороны. В подтверждении должны быть указаны время, место и способ вручения, а также лицо, которому вручены документы. Подтверждение вручения документов направляется запрашивающему учреждению юстиции.

Статья 13

Полномочия дипломатических представительств и консульских учреждений

Договаривающиеся Стороны имеют право вручать документы собственным гражданам, находящимся на территории другой Договаривающейся Стороны, через свои дипломатические представительства или консульские учреждения. При этом не могут применяться меры принудительного характера или угроза их применения.

Статья 14

Пересылка документов о гражданском состоянии и других документов

Учреждения юстиции Договаривающихся Сторон по просьбе пересылают непосредственно друг другу без перевода и бесплатно свидетельства о регистрации актов гражданского состояния, документы об образовании, трудовом стаже и другие выдаваемые государственными органами документы, касающиеся личных или имущественных прав и интересов граждан своих государств.

Документы, указанные в части первой настоящей статьи, учреждениями юстиции каждой Договаривающейся Стороны могут пересылаться по просьбе без перевода непосредственно заинтересованным лицам, проживающим на территории другой Договаривающейся Стороны.

Статья 15

Установление адресов и других данных

Учреждения юстиции Договаривающихся Сторон в соответствии с национальным законодательством оказывают друг другу помощь в установлении адресов лиц, проживающих на территориях Договаривающихся Сторон, если это требуется для осуществления прав граждан. При этом запрашивающее учреждение юстиции общается имеющиеся у него данные, которые могут помочь в установлении адреса лица, указанного в просьбе.

Учреждения юстиции Договаривающихся Сторон оказывают друг другу помощь в получении информации о гражданском состоянии, месте работы или роде занятий и доходах лиц, проживающих на территории запрашиваемой Договаривающейся Стороны, к которым в учреждениях юстиции запрашивающей Договаривающейся Стороны предъявлены имущественные требования по гражданским делам.

При оказании правовой помощи в соответствии с настоящей статьей учреждения юстиции Договаривающихся Сторон могут сноситься друг с другом как через центральные органы юстиции, указанные в статье 7 настоящего Договора, так и непосредственно.

Статья 16
Действительность документов

Документы, которые на территории одной из Договаривающихся Сторон составлены или засвидетельствованы учреждением или специально на то уполномоченным лицом в пределах их компетенции и по установленной форме, и скреплены гербовой печатью, принимаются на территории другой Договаривающейся Стороны без какого-либо специального удостоверения.

Документы, которые на территории одной из Договаривающихся Сторон рассматриваются как официальные документы, пользуются на территории другой Договаривающейся Стороны доказательной силой официальных документов.

Статья 17
Языки

Договаривающиеся Стороны в отношениях друг с другом при выполнении настоящего Договора пользуются русским языком или государственным языком другой Договаривающейся Стороны.

Документы, направляемые на государственных языках Договаривающихся Сторон или других языках, должны сопровождаться переводом на русский язык. Договаривающиеся Стороны также обеспечивают письменный и устный перевод на русский язык и в других случаях, когда это необходимо.

Подтверждение верности письменного перевода документов производится в соответствии с национальным законодательством Договаривающейся Стороны и положениями настоящего Договора.

Статья 18
Расходы, связанные с оказанием правовой помощи

Запрашиваемая Договаривающаяся Сторона не будет требовать возмещения расходов по оказанию правовой помощи. Договаривающиеся Стороны сами несут все расходы, возникшие при оказании правовой помощи на их территориях, если настоящим Договором не предусмотрено иное.

Статья 19
Информация по правовым вопросам

Центральные органы юстиции Договаривающихся Сторон по просьбе предоставляют друг другу сведения о действующем или действовавшем в их государствах законодательстве и практике его применения, а также иную информацию по правовым вопросам.

Раздел II. Признание и исполнение решений

Статья 20
Признание и исполнение решений

Каждая из Договаривающихся Сторон на условиях, предусмотренных настоящим Договором, признает и исполняет следующие вступившие в законную силу решения, вынесенные на территории другой Договаривающейся Стороны:

1) решения судов и других учреждений юстиции по гражданским делам, включая утвержденные судом мировые соглашения по таким делам (далее — «решения»);

2) приговоры судов по уголовным делам в части гражданского иска.

Статья 21

Просьба о признании и исполнении решения

Просьба о разрешении принудительного исполнения решения подается в компетентный суд Договаривающейся Стороны, где решение подлежит исполнению. Она может быть подана и в суд, который вынес решение по делу в первой инстанции. Этот суд направляет просьбу суду, компетентному вынести решение по просьбе.

К просьбе прилагаются:

1) решение или его заверенная копия, а также официальный документ о том, что решение вступило в законную силу и подлежит исполнению или о том, что оно подлежит исполнению до вступления в законную силу, если это не следует из самого решения;

2) документ, из которого следует, что сторона, против которой было вынесено решение, не принявшая участия в процессе, была в надлежащем порядке и своевременно вызвана в суд, а в случае ее процессуальной недееспособности была надлежащим образом представлена;

3) документ, подтверждающий частичное исполнение решения на момент его пересылки;

4) документ, подтверждающий соглашение сторон по делам договорной подсудности.

Статья 22

Порядок признания и исполнения решений

Просьбы о признании и исполнении решений, предусмотренных статьей 20 настоящего Договора, рассматриваются судами Договаривающейся Стороны, на территории которой должно быть осуществлено их исполнение.

Суд, рассматривающий просьбу о признании и исполнении решения, ограничивается установлением того, что условия, предусмотренные настоящим Договором, соблюдены. В случае если условия соблюдены, суд выносит решение о признании и исполнении решения.

Порядок признания и исполнения решения определяется в соответствии с положениями настоящего Договора и по законодательству Договаривающейся Стороны, на территории которой должно быть осуществлено его исполнение.

Статья 23

Отказ в признании и исполнении решений

В признании и исполнении решений, предусмотренных статьей 20 настоящего Договора, может быть отказано в случаях, если:

1) в соответствии с законодательством Договаривающейся Стороны, на территории которой вынесено решение, оно не вступило в законную силу или не подлежит исполнению, за исключением случаев, когда решение подлежит исполнению до вступления в законную силу;

2) ответчик не принял участия в процессе вследствие того, что ему или его представителю не был своевременно и надлежащим образом вручен вызов в суд;

3) на территории запрашиваемой Договаривающейся Стороны по делу между этими же сторонами, о том же предмете и по тому же основанию уже было вынесено вступившее в законную силу решение или имеется признанное решение суда

третьего государства, либо если учреждением этой Договаривающейся Стороны ранее было возбуждено производство по данному делу;

4) согласно положениям настоящего Договора, а в случаях, не предусмотренных им, согласно законодательству Договаривающейся Стороны, на территории которой решение должно быть признано и исполнено, дело относится к исключительной компетенции учреждений юстиции этой Договаривающейся Стороны;

5) отсутствует документ, подтверждающий соглашение сторон по делу договорной подсудности;

6) истек срок давности исполнения, предусмотренный законодательством Договаривающейся Стороны, суд которой рассматривает ходатайство о признании и исполнении решения.

Раздел III. Заключительные положения

Статья 24

Урегулирование споров

В случае возникновения споров между Договаривающимися Сторонами, относительно толкования или применения настоящего Договора, Договаривающиеся Стороны будут стремиться урегулировать разногласия путем консультаций и переговоров. При необходимости Договаривающиеся Стороны могут образовать совместную комиссию для наблюдения за применением настоящего Договора и урегулирования возможных разногласий.

Статья 25

Отношение к другим международным договорам

Положения настоящего Договора не затрагивают обязанностей и прав Договаривающихся Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

Договаривающиеся Стороны могут заключать между собой соглашения, в том числе межведомственного характера, по вопросам, затрагиваемым настоящим Договором, в целях дополнения или усиления его положений или облегчения применения закрепленных в нем принципов.

Статья 26

Внесение дополнений и изменений

Договаривающиеся Стороны могут вносить в настоящий Договор дополнения и изменения, оформляемые протоколами, которые после вступления в силу в порядке, предусмотренном статьей 27 настоящего Договора, будут являться его неотъемлемой частью.

Статья 27

Вступление в силу

Настоящий Договор подлежит ратификации и вступает в силу на тридцатый день, который следует за днем обмена ратификационными грамотами.

Статья 28
Срок действия и денонсация

Настоящий Договор заключается на неопределенный срок.

Каждая из Договаривающихся Сторон может денонсировать настоящий Договор путем письменного уведомления об этом другой Договаривающейся Стороны. В этом случае Договор утрачивает силу в первый день месяца, следующего за днем истечения шести месяцев со дня получения уведомления этой Договаривающейся Стороной.

Статья 29
Применение Договора

Действие настоящего Договора распространяется и на правоотношения, возникшие до вступления его в силу.

Совершено в Софии 24 ноября 2003 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, болгарском и русском языках, причем все тексты аутентичны.

Для целей толкования положений настоящего Договора используется текст на русском языке.

(подписи)

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси
ўртасида тутиб топшириш тўғрисида
ШАРТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил
25 апрелдаги 484-П-сонли қарори билан тасдиқланган

(2004 йил 23 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси (бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар),

икки мамлакат ўртасида жиноятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича янада самаралироқ ҳамкорликка ҳамда ҳуқуқбузарларни тутиб топшириш тўғрисида шартномани тузиш орқали тутиб топшириш соҳасида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга кўмаклашиш истагида,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда
Тутиб топшириш мажбурияти

Ҳар бир Томон ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ бошқа Томонга айблов қўйиш, суд жараёни ёки тутиб топширишни тақозо этадиган ҳуқуқбузарлик учун

жазони ўташ мақсадида сўраётган Томон талаб қилаётган исталган шахсни бошқа Томонга тутиб топширишга розидир.

2-модда

Тутиб топширишни тақозо этадиган ҳуқуқбузарликлар

1. Ушбу Шартнома мақсадларида сўров келиб тушган вақтда иккала Томон қонунчилигида камида бир йил озодликдан маҳрум этиш ёки янада жиддийроқ жазо белгиланган ҳуқуқбузарликлар учун тутиб топширишга олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар саналади.

2. Тутиб топшириш тўғрисида сўров Сўраётган Томон суди томонидан тутиб топширишни тақозо этадиган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик учун озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарилган шахсга тааллуқли бўлса, жазони қолган ўташ муддати фақат 4 ойдан кам бўлмаган тақдирдагина тутиб топшириш амалга оширилади.

3. Ушбу модда мақсадларида ҳаракат иккала Томоннинг қонунчилигига қарши қаратилган ҳуқуқбузарлик эканлигини аниқлаш учун қўйидагиларнинг аҳамияти йўқ:

(а) Томонларнинг қонунчилиги ҳуқуқбузарликни ташкил этадиган худди ана шундай тоифадаги ҳуқуқбузарлик доирасида хулқ-атворни белгилайдими ёки ҳуқуқбузарлик шундай атама билан номланадими;

(б) тутиб топширилиши сўралаётган шахсга қарши тахмин қилинаётган хулқ-атворнинг мажмуи эътиборга олинishi лозим ва бу Томонларнинг қонунчилиги бўйича ҳуқуқбузарлик унсурлари фарқ қиладими.

4. Агар шахснинг тутиб топширилиши солиқ, божхона, валютага оид ёки бошқа молиявий қонунчиликка қарши ҳуқуқбузарлик учун талаб қилинаётган бўлса, Сўралаётган Томон қонунчилиги Сўраётган Томоннинг қонунчилиги каби шундай солиқлар ёки мажбуриятларни ёхуд солиқ, бож, божхона ёки валюта қоидаларини кўзда тутмаганлиги асосида тутиб топшириш рад этилмайди.

5. Агар ҳуқуқбузарлик Сўраётган Томоннинг худудидан ташқарида амалга оширилган бўлса, Сўралаётган Томон қонунчилиги унинг худудидан ташқарида шу каби ҳолатларда амалга оширилган ҳуқуқбузарлик учун жазо белгиланган бўлса, тутиб топшириш амалга оширилиши лозим. Агар Сўралаётган Томон қонунчилиги бунга кўзда тутмаган бўлса, Сўралаётган Томон ўз ихтиёрига кўра тутиб топширишни амалга ошириши мумкин.

6. Агар тутиб топшириш тўғрисида сўров улардан ҳар бири иккала Томон қонунчилигига кўра жазога тортиладиган ҳуқуқбузарликлар туркумига тааллуқли бўлса, лекин улардан баъзи бирлари ушбу модданинг 1- ва 2-бандларида қайд этилган шартларни бажармаётган бўлса, ҳуқуқбузарлик учун тутиб топшириш, шахс, ҳеч бўлмаганда, тутиб топширишни тақозо этадиган жиноятларнинг бири учун топширилиши шарт билан, амалга оширилиши мумкин.

3-модда

Тутиб топширишда мажбурий рад этиш

Ушбу Шартномага кўра тутиб топшириш қўйидаги ҳолатлардан исталган бирида амалга оширилмайди:

1. Сўралаётган Томон тутиб топшириш сўралаётган бу ҳуқуқбузарликни сиёсий ҳуқуқбузарлик ёки сиёсий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик деб белгиланган бўлса. Сиёсий ҳуқуқбузарликка таяниш қўйидаги ҳуқуқбузарликларни қамраб олмаслиги лозим:

(а) Давлат Раҳбари ёки Ҳукумат Раҳбари шахсига қарши ёхуд унинг оила аъзоларини қўлга олиш ёки ҳаётига суиқасд қилишга уриниш ёки ҳужум қилиш;

(б) иккала Томон иштирок этаётган кўп томонлама халқаро битимлардан келиб чиқиб, шу жумладан, лекин геноцид, терроризм ва одамларни ўғирлаш тўғрисида бундай битимлар билан чекланиб қолмасдан, ҳуқуқбузарлик юзасидан Томонлар юрисдикцияни ўрнатиш ёки тутиб топширишни амалга ошириш мажбуриятига эга бўлиши.

2. Агар сўралаётган шахс Сўралаётган Томон ҳудудида тутиб топшириш сўралаётган ҳуқуқбузарлик учун суд жавобгарлигига тортилган бўлса ёки судланган ва ҳукм қилинган ё оқланган бўлса.

3. Тутиб топшириш сўралаётган ҳуқуқбузарлик учун жиноий таъқиб этиш ёки жазолаш Сўралаётган Томон қонунчилигига кўра муддат ўтиб кетганлиги сабабли тугатилган ёки Сўралаётган Томон ҳудудида худди шундай ҳуқуқбузарлик амалга оширилган бўлса. Сўралаётган Томон қонунчилигига мувофиқ муддат ўтиб кетганлигини тўхтатиб қўйиши мумкин бўлган ҳаракат ва ҳолатлар Сўралаётган Томон учун ҳақиқий ҳисобланади ва бу ҳолда Сўралаётган Томон бундай муддат ўтиб кетганлиги билан боғлиқ бўлган ўз қонунчилигининг қоидалари тўғрисида ёзма аризани тақдим этади.

4. Агар Сўралаётган Томон тутиб топшириш тўғрисида сўров сўралаётган шахснинг ирки, дини, миллати, жинси, ёки сиёсий қарашларига кўра таъқиб этиш ва жазолаш мақсадида тақдим этилган, ёки мана шу сабаблардан исталган бири бўйича ушбу шахсга зарар етказилиши мумкин деб тахмин қилишга етарлича асосларга эга бўлса.

4-модда

Тутиб топширишни рад этиш учун қўшимча асослар

Ушбу Шартномага мувофиқ қўйидаги ҳолатлардан исталган бирида тутиб топширишни рад этиш мумкин:

1. Тутиб топшириш сўралаётган ҳуқуқбузарлик Сўралаётган Томон қонунчилигига мувофиқ унинг ҳудудида тўла ёки қисман амалга оширилган деб баҳоланган бўлса;

2. Сўралаётган шахс тутиб топшириш сўралаётган худди шундай ҳуқуқбузарлик учун учинчи давлатда буткул оқланган ёки судланган, ҳамда, агар чиқарилган ҳукм тўла ижро этилган бўлса ёки энди ижро қилина олинмаса;

3. Агар Сўралаётган Томон айрим ҳолларда Сўралаётган Томон ҳуқуқбузарликлари ва манфаатларининг жиддийлигини эътиборга олиб, сўралаётган шахснинг шахсий ҳолатлари туфайли тутиб топшириш гуманитар сабаблар бўйича амалга оширилмаслиги мумкин деб ҳисобласа;

4. Тутиб топшириш сўралаётган ҳуқуқбузарлик оддий жиноят ҳуқуқи бўйича эмас, балки харбий ҳуқуқ бўйича ҳуқуқбузарлик бўлса.

5-модда

Тутиб топширишни кечиктириш

Агар сўралаётган шахс Сўралаётган Томонда тутиб топшириш сўралаётган ҳуқуқбузарлик учун эмас, балки бошқа бирор-бир ҳуқуқбузарлик учун жиноий таъқиб қилинаётган ёки муддатни ўтаётган бўлса, Сўралаётган Томон сўралаётган шахсни топшириши ёки жиноий таъқиб ёхуд белгиланган жазо муддатининг тўла ёки исталган қисмининг тугашига қадар топширишни кечиктириши мумкин. Сўра-

лаётган Томон Сўраётган Томонни ҳар қандай кечиктириш тўғрисида хабардор этиши лозим.

6-модда
Фуқароларни тутиб топшириш

1. Томонлардан ҳеч бири ушбу Шартнома асосида ўз фуқароларини тутиб топшириш мажбуриятини олмаган, бироқ, Сўралаётган Томон, ўз ихтиёрига қўра, бундай шахсларни лозим деб топса тутиб топширишга ҳақлидир.

2. Агар сўралаётган шахснинг тутиб топширилиши фақат фуқаролик асосида рад этилган бўлса, Сўралаётган Томон, Сўраётган Томоннинг илтимосига қўра, унинг маъмурларига айблов қўйиш учун имконият бериши лозим.

3. Фуқаролик тутиб топшириш сўралаётган ҳуқуқбузарлик амалга оширилган вақт билан аниқланади.

7-модда
Тутиб топшириш жараёнлари ва сўралаётган ҳужжатлар

1. Тутиб топшириш тўғрисида сўров ёзма равишда дипломатик каналлар орқали тақдим этилади.

2. Тутиб топшириш тўғрисида сўров қуйидагилар билан илова қилиниши лозим:

(a) сўралаётган шахснинг шахси ва мумкин бўлса, фуқаролиги ҳамда туриш жойини тавсифланган ҳужжатлар;

(b) иш ҳолатларининг баёни;

(c) ҳуқуқбузарликнинг муҳим унсурлари ва таърифларини тавсифлайдиган қонунчиликнинг баёни;

(d) ҳуқуқбузарлик учун жазони тавсифлайдиган қонунчиликнинг баёни; ва

(e) ҳуқуқбузарлик учун суд томонидан таъқиб этишнинг муддати ёки жазони ижро этиш билан боғлиқ бўлган қонунчиликнинг баёни.

3. Агар тутиб топшириш тўғрисида сўров ҳали айбдор деб тан олинмаган шахсга тааллуқли бўлса, у қуйидагилар билан илова қилиниши лозим:

(a) Сўраётган Томон суди ёки бошқа ваколатли маъмури томонидан берилган ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш учун ордер нусхаси;

(b) сўралаётган шахсни ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш учун ёзилган ордер айнан ўша шахсга тааллуқлигини белгиловчи ахборот;

(c) тутиб топшириш сўралаётган ҳуқуқбузарликни содир этган сўралаётган шахсни гумон қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳуқуқбузарлик бўйича айблов хулосаси.

4. Агар тутиб топшириш тўғрисида сўров айбдор деб тан олинган шахсга тааллуқли бўлса, у қуйидагилар билан илова қилиниши лозим:

(a) Сўраётган Томон суди уни айбдор деб тан олинганлиги тўғрисида чиқарган қарор нусхаси;

(b) сўралаётган шахс айбдор деб тан олинганлигини тасдиқловчи ахборот;

(c) шахс айбдор деб тан олинган ҳуқуқбузарликни ташкил этадиган хатти-ҳаракатнинг баёни.

5. Ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ Сўраётган Томон тақдим этадиган барча ҳужжатлар тасдиқланиши ва Сўралаётган Томон тилига ёки инглиз тилига бўлган таржима билан илова қилиниши лозим.

6. Ушбу Шартнома мақсадларида ҳужжат агар у Сўраётган Томон судьяси ёки бошқа мансабдор шахс томонидан имзоланган ёхуд тасдиқланган ва Сўраётган То-

мон ваколатли маъмурларининг расмий муҳри билан бириктирилган бўлса ҳақиқий деб ҳисобланади.

8-модда **Қўшимча ахборот**

1. Агар Сўралаётган Томон ушбу Шартномага мувофиқ тутиб топширишни амалга ошириш учун тутиб топшириш тўғрисида сўровни асослаш мақсадида тақдим этилган ахборот етарли эмас деб ҳисобласа, бу Томон ўзи белгиланган вақт ичида қўшимча ахборот тақдим этилишини талаб қилишга ҳақлидир.

2. Агар тутиб топширилиши сўралаётган шахс ҳибсда бўлса, ва ушбу Шартномага мувофиқ тақдим этилган қўшимча ахборот етарли бўлмаса ёки белгиланган вақт ичида олинмаган бўлса, бу шахс озод этилиши мумкин. Унинг озод этилиши Сўраётган Томонга бу шахсни тутиб топшириш тўғрисидаги янги сўровни юборишига тўсқинлик қилмайди.

3. Шахс 2-бандга мувофиқ озод этилаётганда Сўралаётган Томон имкон қадар тез орада бу ҳақда Сўраётган Томонни хабардор этади.

9-модда **Вақтинча ҳибсга олиш**

1. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тутиб топшириш тўғрисида сўров юборилгунга қадар Томон сўралаётган шахсни вақтинча ҳибсга олинишини илтимос қилиши мумкин. Вақтинча ҳибсга олиш тўғрисида сўров дипломатик каналлар орқали ёки бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Корея Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида юборилиши мумкин.

2. Вақтинча ҳибсга олиш тўғрисида сўров ёзма шаклда бўлиши ва қуйидагиларни ўзида акс эттириши лозим:

(a) сўралаётган шахснинг тавсифи, шунингдек унинг фуқаролиги тўғрисида ахборот;

(b) агар маълум бўлса, сўралаётган шахснинг туриш жойи;

(c) иш ҳолатларининг қисқа баёни, жумладан, агар имкон бўлса, ҳуқуқбузарликнинг вақти ва жойи;

(d) бузилган қонунларнинг баёни;

(e) ҳибсга олишни ёки ушлаб туришни амалга ошириш учун ордер, ёхуд сўралаётган шахсга нисбатан айблов хулосаси ёки айблов ҳукми;

(f) сўралаётган шахсни тутиб топшириш тўғрисида сўровни юбориш ҳақида тасдиқ.

3. Бундай ариза қабул қилиниши билан Сўралаётган Томон сўралаётган шахснинг ҳибсга олинишини таъминлаш учун зарурий чораларни кўради ва Сўраётган Томон натижалар тўғрисида зудлик билан хабардор этилади.

4. Ҳибсга олинган шахс озод этилади қачонки, Сўраётган Томон 7-моддада қайд этилган тегишли ҳужжатлар билан илова қилинган тутиб топшириш тўғрисида сўровни ҳибсга олинган кундан бошлаб қирқ беш (45) кун ичида тақдим этиш имконига эга бўлмаса, агар сўров келгусида олинган бўлса, бу сўралаётган шахсни тутиб топшириш бўйича жараён бошланишига тўсиқ бўлмаслиги шарти билан.

10-модда **Енгиллаштирилган тутиб топшириш**

Сўралаётган шахс тутиб топширишни амалга ошириш йўриқномасига нисба-

тан шахснинг розилиги тўғрисида Сўралаётган Томоннинг суд ёки бошқа ваколатли органларини хабардор қилган ҳолда Сўраётган Томон тутиб топширишни енгиллаштириш учун ўз қонунчилигида кўзда тутилган барча зарур чораларни кўриши лозим.

11-модда **Параллел сўровлар**

1. Икки ёки ундан ортиқ давлатлардан айнан бир шахсни аниқ бир ҳуқуқбузарлик ёки турли ҳуқуқбузарликлар бўйича тутиб топшириш тўғрисида сўров олинса, Сўралаётган Томон шахсни бу давлатларнинг қай бирига тутиб топширишини аниқлаб олиб, ўз қарори тўғрисида бошқа давлатларни хабардор қилиши лозим.

2. Шахс тутиб топшириладиган давлатни аниқлашда Сўралаётган Томон барча шарт-шароитларни, жумладан қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

- (a) сўралаётган шахснинг фуқаролиги ва одатий турар жойи;
- (b) сўров шартномага мувофиқ юборилганми ё йўқми;
- (c) ҳар бир ҳуқуқбузарлик содир этилган вақти ва жойи;
- (d) сўраётган давлатларнинг тегишли манфаатлари;
- (e) ҳуқуқбузарликларнинг оғирлиги;
- (f) жабрланувчининг фуқаролиги;
- (g) сўраётган давлатлар ўртасида тутиб топширишнинг келгуси имкониятлари;

ва

- (h) сўровларнинг тегишли саналари.

12-модда **Топшириш**

1. Сўралаётган Томон тутиб топшириш тўғрисидаги сўров бўйича қарор қабул қилиши биланоқ бундай қарор тўғрисида Сўраётган Томонни дипломатик каналлар орқали хабардор қилади. Тутиб топшириш тўғрисидаги сўровни ижро этишни бутунлай ёки қисман рад қилиш сабаблари тўғрисида хабар қилиниши лозим.

2. Сўралаётган Томон сўралаётган шахсни Сўраётган Томоннинг тегишли маъмурларига Сўралаётган Томоннинг ҳудудида белгиланган иккала Томон учун қулай жойда топшириши лозим.

3. Сўраётган Томон шахсни Сўралаётган Томон ҳудудидан Сўралаётган Томон белгиладиган маъқул муддат ичида олиб кетиши лозим ва агар шахс бу муддат ичида қабул қилинмаган бўлса, Сўралаётган Томон бу шахсни озод этиши ва ҳудди ўша ҳуқуқбузарлик учун топширишни рад этиши мумкин.

4. Топшириладиган шахсни Томон олиб кетиши ёки бошқа жойга кўчиришига тўсқинлик қилаётган ҳолларда, бу Томон бошқа Томонни бу ҳақда хабардор этиши лозим ва бу ҳолда ушбу модданинг 3-банди қоидалари қўлланилмайди. Иккала Томон ушбу модда қоидалари асосида топшириш ёки бошқа жойга кўчиришнинг янги санасини ўзаро белгилайдилар.

13-модда **Мулкни топшириш**

1. Сўралаётган Томоннинг қонунчилиги руҳсат берган даражада ва риоя этилиши лозим бўлган учинчи томонларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш шarti билан Сўралаётган Томон ҳудудида аниқланган, ҳуқуқбузарлик оқибатида ўзлаштирилган ёки Сўраётган Томоннинг сўровига биноан ашёвий далиллар сифатида талаб қили-

ниши мумкин бўлган барча мулклар тутиб топшириш амалга ошириладиган бўлса, топширилиши лозим.

2. Агар сўралаётган шахснинг ўлими, йўқолиб қолиши ёки қочиши оқибатида тутиб топширишнинг имкони бўлмаса, Сўралаётган Томоннинг сўровига биноан ушбу модданинг 1-бандида қайд этилган мулк Сўралаётган Томонга топширилиши лозим.

3. Агар ушбу Томон, Сўралаётган Томон қонунчилиги талабларига мувофиқ ёки учинчи томонларнинг манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида топширилган мулкни қайтариш тўғрисида сўраса, ҳар қандай топширилган мулк Сўралаётган Томонга бепул қайтарилиши лозим.

14-модда

Махсус қоидалар

1. Ушбу Шартномага кўра тутиб топширилган шахсни Сўраётган Томонда ушлаб туриш, таъкиб этиш ёки суд жавобгарлигига тортиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

(а) тутиб топшириш бўйича амалга оширилган ҳуқуқбузарликлар ёки айнан ўша далилларга асосланиб тутиб топшириш амалга оширилган, бошқача номланган ҳуқуқбузарликлар, агар бундай ҳуқуқбузарлик тутиб топширишга олиб келса, ёки унчалик аҳамиятга эга бўлмаган ҳуқуқбузарлик ўз ичига олса;

(б) шахсни тутиб топшириш амалга оширилгандан кейинги ҳуқуқбузарликлар; ёки

(с) Сўралаётган Томоннинг ваколатли маъмурлари шахсни ушлаб туришни амалга оширишга рози бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича таъкиб қилиш ёки суд жавобгарлигига тортиш;

Ушбу модданинг 1-банди мақсадларида:

(i) Сўралаётган Томон 7-моддада қайд этилган ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга;

(ii) мавжуд бўлган тақдирда Сўралаётган Томонга тутиб топширилган шахснинг ҳуқуқбузарликка тааллуқли берган кўрсатмаларининг ҳуқуқий ёзмалари тақдим этилиши лозим; ва

(iii) сўров кўриб чиқилгунга қадар Сўралаётган Томон айтган вақт давомида тутиб топширилган шахс Сўраётган Томон тарафидан ушлаб туриши мумкин.

2. Ушбу Шартномага кўра тутиб топширилган шахс, унинг тутиб топширилишига қадар бўлган муддатда содир этган ҳуқуқбузарлик бўйича Сўралаётган Томоннинг розилигисиз учинчи давлатга тутиб топширилиши мумкин эмас.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари тутиб топширилган шахсни ушлаб туриш, таъкиб қилиш ёки суд жавобгарлигига тортишга ёки уни учинчи давлатга тутиб топширилишига монелик қилмайди, агар:

(а) шахс тутиб топширилганидан сўнг Сўраётган Томоннинг ҳудудини тарк этиб, ихтиёрий равишда қайтса; ёки

(б) шахс кетиши мумкин бўлган кундан бошлаб қирқ беш кун (45) давомида Сўраётган Томоннинг ҳудудини тарк этмаса.

15-модда

Натижалар тўғрисида хабар қилиш

Сўраётган Томон тутиб топширилган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғаш ёки унга нисбатан жазони ижро этиш ёхуд бу шахсни учинчи давлатга тутиб топшириш тўғрисида Сўралаётган Томонни ўз вақтида хабардор қилиши лозим.

16-модда
Транзит

1. Бир Томон, учинчи давлат томонидан тутиб топширилган шахсни, бошқа Томон ҳудуди орқали ўз конунчилигида кўзда тутилган ташишга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Корея Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида дипломатик каналлар ёрдамида ёки бевосита ёзма сўров юбориш орқали ҳал қилинади.

2. Транзит Томон ҳудудида ҳеч қандай қўниш режалаштирилмайди деган шарт билан ҳаво транспортдан фойдаланишда транзит тўғрисида рухсат олиш талаб этилмайди. Бу Томоннинг ҳудудида режалаштирилмаган қўниш чоғида бошқа Томондан ушбу модданинг 1-бандида кўзда тутилганидек транзит ташиш тўғрисида сўровнинг тақдим этилишини талаб қилиб олиш мумкин.

17-модда
Харажатлар

1. Сўралаётган Томон тутиб топшириш тўғрисидаги сўров билан боғлиқ унинг юрисдикциясидаги ишни юритиш бўйича келиб чиқадиган ҳар қандай харажатларни қоплайди.

2. Сўралаётган Томон унинг ҳудудида тутиб топширилиши сўралаётган шахснинг ҳибсга олинishi ва ушланиши ёки мулкни хатга олиш ҳамда уни топшириш билан боғлиқ харажатларни қоплайди.

3. Сўраётган Томон Сўралаётган Томон ҳудудидан тутиб топширилаётган шахсни топширишда қилинган харажатлар ва транзит харажатларини қоплайди.

18-модда
Маслаҳатлашувлар

1. Томонлар ҳар бир Томоннинг сўровига кўра ушбу Шартномани талқин қилиш ва қўллаш билан боғлиқ маслаҳатлашувларни олиб борадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Корея Республикаси Адлия вазирлиги ушбу Шартноманинг алоҳида ҳолатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ, шунингдек бажариш процедураларига кўмаклашиш ва яхшилаш мақсадида бир-бирлари билан маслаҳатлашувлар олиб борадилар.

19-модда
Кучга кириши ва амал қилишдан тўхташи

1. Ушбу Шартнома ратификация қилиниши лозим. Ушбу Шартнома ратификация ёрлиқлари алмашинувидан сўнг кучга киради.

2. Ушбу Шартнома у кучга кирган санага қадар ва ундан кейин содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади.

3. Томонларнинг ҳар бири исталган вақтда ёзма хабар қилиш орқали ушбу Шартноманинг амал қилишини тўхтатиши мумкин. Ушбу Шартнома бундай хабарнома юборилган санадан олти (6) ой ўтгач амал қилишдан тўхтайтиди.

Ушбунинг тасдиқлаб, ўзларининг тегишли ҳукуматлари томонидан тегишлича ваколатланган қўйида имзо чекувчилар ушбу Шартномани имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2003 йил 12 февралда, икки нусхада, ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар аутентикдир. Талқин қилишда ҳар қандай келишмовчиликлар келиб чиқса, инглиз тилидаги матн устунлик қилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси
ўртасида жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий
ёрдам тўғрисида
ШАРТНОМА**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил
25 апрелдаги 483–II-сонли қарори билан ратификация қилинган*

(2004 йил 23 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси (бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар),

жиний ишлар бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш орқали жиноятларни огоҳлантириш, тергов олиб бориш, жиний таъқиб қилиш ҳамда олдини олишда икки мамлакатнинг самарадорлигини оширишга интилиб,

қўйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Қўллаш соҳаси

1. Томонлар ушбу Шартноманинг қоидаларига мувофиқ жиний ишлар бўйича тергов олиб бориш, жиний таъқиб қилиш ёки жиний ишлар бўйича суд жараёнини амалга оширишда бир-бирларига ёрдам берадилар.

2. Ушбу Шартнома мақсадларида жиний ишлар ҳар қандай жазоланадиган ва Сўраётган Томон ваколатли маъмурларининг юрисдикциясига тушадиган ҳуқуқбузарликка тааллуқли терговни, жиний таъқиб ёки суд жараёнини англашиб, айнан шу ҳуқуқбузарлик борасида ёрдам сўралади.

3. Жиний ишлар, шунингдек солиқ тўлаш, божхона мажбуриятлари, валюта назорати ёки бошқа молиявий масалалар соҳасидаги қонун ҳуқуқбузарлиги билан боғлиқ ишларни киритади, шунингдек улар билан боғлиқ бўлмаган ножиной таъқиб билан боғлиқ бўлмайди.

4. Ёрдамга қўйидагилар киради:

- (a) шахслардан далиллар ёки аризаларни олиш;
- (b) маълумотлар, ҳужжатлар, ёзувлар ва гувоҳлик кўрсатмаларини тақдим этиш;
- (c) шахслар ёки предметларни аниқлаш ёхуд идентификациялаш;
- (d) ҳужжатларни топшириш;
- (e) мулкни қидириш ва хатга олиш бўйича сўровларни бажариш;
- (f) Сўралаётган Томонда кўрсатмалар беришга қодир ёки терговни олиб бориш, жиний таъқиб ёхуд суд жараёнини амалга оширишга кўмак берувчи шахсларни белгилашга қаратилган чораларни кўриш;
- (g) жиний фаолиятдан олинган даромадларни кузатиш, ушлаб қолиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш; ҳамда
- (h) Сўралаётган Томоннинг қонунчилиги билан тақиқламаган, ушбу Шартнома мақсадларига мувофиқ келадиган бошқа турдаги ёрдам.

5. Ушбу Шартномага асосан тақдим этилган ёрдам қўйидагиларни ўз ичига олмайди:

- (a) ҳар қандай шахсни шу мақсадда экстрадиция қилиш ёки ҳибсга олиш ёхуд ушлаб қолиш;
- (b) Сўралаётган Томонда чиқарилган суд қарорларини Сўралаётган Томонда ижро

Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами, 2004 й.

этиш, Сўралаётган Томоннинг қонунчилиги ва ушбу Шартномага кўра йўл қўйилгандаги ҳолатлар бунга кирмайди;

- (с) судланганларни жазони ўташ учун топшириш;
- (д) жиноий ишлар бўйича суд ишини топшириш.

2-модда

Бошқа турдаги ёрдам

Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида бошқа шартномалар, аҳдлашувлар ёки бошқаларидан келиб чиқадиган мавжуд мажбуриятларга дахл қилмайди ва бошқа шартномалар, аҳдлашувлар ёки бошқаларига мувофиқ Томонлар бир-бирларига ёрдам беришларига тўсқинлик қилмайди.

3-модда

Марказий органлар

1. Ҳар бир Томон ушбу Шартнома мақсадларида сўровлар йўлланган ёки олинган ҳолда Марказий орган ҳисобланадиган шахс ёки маъмурни доимий асосда тайинлайди.

2. Ушбу Шартнома мақсадларида қуйидаги шахслар ёки маъмурлар Марказий органлар этиб тайинланадилар:

- (а) Ўзбекистон Республикаси учун Бош прокурор ёки Бош прокурорнинг расмий вакили Марказий орган ҳисобланади;
- (б) Корея Республикаси учун Адлия вазири ёки бундай вазирнинг расмий вакили Марказий орган ҳисобланади.

3. Ҳар бир Томон ўзининг Марказий органларини ҳар қандай ўзгаришлари тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилади.

4. Марказий органлар, асосан бир-бирлари билан бевосита алоқада бўладилар, лекин уларнинг ихтиёрларига кўра дипломатик каналлар орқали ҳам алоқада бўлишлари мумкин.

4-модда

Сўровлар мазмуни

1. Ёрдам тўғрисидаги сўровлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- (а) сўровнинг мақсадини ифодалаш ва сўралаётган ёрдамнинг моҳияти;
- (б) сўровнинг ташаббускори бўлган шахснинг исми-шарифи, агентлик ёки органнинг номланиши;
- (с) жумладан жиноий иш предметини тавсифлаш, тегишли фактлар ва қонунчилик ҳамда қўлланиши мумкин бўлган жазонинг тавсифи;
- (д) жумладан тергов ёки суд жараёнининг айна босқичини баён этиш;
- (е) сўровларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлган зарур муддатларни белгилаш.

2. Қаерда ва қай даражада зарур бўлган бу ёрдам тўғрисидаги сўров шу билан бирга қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

(а) унга нисбатан жиноий иш олиб борилаётган ёки жиноий ишга алоқадор ахборотга эга шахс ёхуд шахсларнинг шахсияти, фуқаролиги ва жойлашган жойи тўғрисида маълумотлар;

(б) 10-моддага мувофиқ ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровлар бўйича;

(и) Зарур ҳолда Сўраётган Томон бу шахслардан сўрашни истаган ҳар қандай саволларни қамраб олган, шахслар сўроқ қилиниши лозим бўлган саволлар рўйхати;

(ii) кўрсатилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар, ёзувлар ёки гувоҳлик кўрсатмаларининг тавсифи ва зарур ҳолда уларни таништириш учун сўраб олиш муҳим бўлган тегишли шахснинг тавсифи;

(c) 11- ёки 12-моддаларга мувофиқ ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровга кўра Сўраётган Томонга борганда шахс эга бўладиган суткалик харажатлар ва бошқа харажатлар тўғрисида ахборот;

(d) 15- ёки 16-моддаларга мувофиқ ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровга кўра қидирилаётган материалларнинг тавсифи ва зарур ҳолларда уларнинг тахминий жойлашуви;

(e) 16-моддага мувофиқ ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровга кўра:

(i) Сўраётган Томоннинг жиноятни тергов қилиш унинг юрисдикциясида бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ишончлари асосининг батафсил тавсифи, ва

(ii) бажарилиши лозим бўлган суд қарори ва агар мавжуд бўлса, ушбу қарорнинг даражасига тааллуқли баёнот;

(f) жиноятни аниқлашга ёки уни тергов қилинишининг тикланишига олиб келса, ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровга кўра 16-модданинг 4-бандига асосан махсус ҳолатни олиб бориш зарурияти тўғрисида баён этилади;

(g) сўровни бажаришда риоя этилиши учун Сўраётган Томон эга бўлиши мумкин ёки истаги бўлган ҳар қандай махсус талаб ёки процедуранинг батафсил тавсифи, бунга тақдим этилиши лозим бўлган хоҳлаган бир ахборот, исбот, ҳужжат ёки предметнинг усул ва шакллари қисмлари ҳам қиради;

(h) агар бундайлари бўлса, Сўраётган Томон сўровининг махфийлиги ва бундай хоҳишларининг сабабларининг хоҳишларини белгилаб берувчи баёнот;

(i) Сўраётган Томоннинг мансабдор шахси сўров билан боғлиқ масала юзасидан Сўралаётган Томонга боришни режалаштираётган бўлса, бундай шахс ташрифнинг мақсади, тахминий вақти ҳамда сафар ташкили тўғрисида ахборот;

(j) Сўралаётган Томон сўровни бажариши учун муҳим ёки ёрдам бериши мумкин бўлган хоҳлаган бошқа ёрдамчи ахборот, исбот ёки ҳужжат.

3. Ушбу Шартномага мувофиқ олиб борилган сўров, ёрдамчи ҳужжатлаштириш ва исталган алоқалар Сўраётган Томоннинг тилида ва Сўралаётган Томоннинг тилига ёки инглиз тилига таржима қилинган ҳолда юборилиши лозим.

4. Агар Сўралаётган Томон сўровдаги ахборот ушбу Шартномага мувофиқ сўровни бажаришга етарли эмас деб топса, у қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

5. Сўров ёзма равишда тузилган бўлиши лозим, фақат ҳолатлар, яъни қутилмаган вазиятда Сўралаётган Томон сўровни бошқа шаклда қабул қилиши мумкин. Бундай вазиятда, агар Сўралаётган Томон бошқача рози бўлмаса, сўров 20 кун ичида ёзма равишда тасдиқланиб берилиши лозим.

5-модда

Ёрдам беришни рад этиш

1. Сўралаётган Томоннинг фикри қуйидагича бўлса, ёрдам бериш рад этилиши мумкин:

(a) агар сўров Сўраётган Томон тарафидан сиёсий характерга эга ёки оддий жиноий ҳуқуқбузарлик бўлмаган ҳарбий ҳуқуқбузарлик сифатида кўриладиган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлса;

(b) сўров ҳуқуқбузарлик учун жиноий таъқиб қилинаётган шахс ва шунга биноан у Сўралаётган Томонда ҳукм этилган, оқланган ёки афв этилган ҳолат билан боғлиқ бўлса;

(c) агар ушбу ёрдам шахснинг ирқи, жинси, дини, фуқаролиги ёки сиёсий қараш-

лари билан боғлиқ ҳолда унга нисбатан жиноий таъқиб ёки жазо белгилаш учун сўралганлигига аниқ асослар бўлса ёки ёрдам тўғрисидаги сўров бу шахсга қарши ёлгон гувоҳлик бериш ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда сўралган бўлса; ёки

(d) агар кўриб чиқилишида ҳар қандай шахснинг хавфсизлиги ва Сўралаётган Томон захираларининг харажатини ўз ичига олиши мумкин бўлган сўровларни ба-жариш Сўралаётган Томоннинг суверенитети, хавфсизлиги ёки асосий манфаатла-рини жиддий бузса.

2. Қуйидаги ҳолларда Сўралаётган Томоннинг фикрига кўра ёрдам кўрсатишга рад жавоби берилиши мумкин:

(a) агар сўров ҳуқуқбузарлик учун таъқиб остига олинган шахс ва у жазони ижро этиш муддати тугаши сабаби билан ортиқ таъқиб этилмаслиги ёки ҳуқуқбу-зарликлар Сўралаётган Томоннинг юрисдикциясида содир этилганлиги билан боғ-лиқ бўлса; ёки

(b) агар сўров шахс содир этган ҳаракатлари учун таъқиб этиш ва жазолаш билан боғлиқ бўлса ва Сўралаётган Томоннинг юрисдикциясида унинг бу ҳаракат-лари ҳуқуқбузарлик деб қаралмаса.

3. Агар сўров Сўраётган Томонда тергов ва суд жараёнини амалга ошириши учун тўсқинлик қилса, ёрдамни Сўралаётган Томон чўзиши мумкин.

4. Ушбу моддага мувофиқ Сўралаётган Томон сўровларни рад этиши ёки унинг ижросини чўзишидан аввал Сўралаётган Томон ўзининг Марказий органлари ор-қали:

(a) Сўраётган Томонни рад этиши ёки амалга оширишни қисқартириш сабаб-лари тўғрисида дарҳол хабар бериши лозим;

(b) Сўраётган Томон билан унга зарур бўлган шароитда тақдим этилган ёрдам-лар борасида маслаҳатлашиб олиши лозим.

5. Агар Сўраётган Томон ёрдамни белгиланган 4(b) бандига асосан қабул қила-ётган бўлса, шу ҳолда бундай шартларга у рози бўлиши лозим.

6-модда

Сўровларни амалга ошириш

1. Сўровлар Сўралаётган Томоннинг сўровига биноан, Сўралаётган Томоннинг ваколатли маъмурлари томонидан зудлик билан, ушбу Томоннинг қонунчилигига асосан ва ушбу қонунчиликка зид келмаган ҳолатда амалга оширилиши лозим.

2. Бу материаллар жиноий ва фуқаролик ишларини тергов қилишда мана шу Томонда зарур бўлса, Сўралаётган Томон сўралаётган материалларнинг тақдим эти-лишини кейинга қолдириши мумкин. Бундай ҳолларда Сўралаётган Томон, сўров бўлган ҳолда, тасдиқланган ҳужжатларнинг кўчирмасини тақдим этиши лозим.

3. Сўралаётган Томон Сўраётган Томонни унга маълум бўлган шарт-шароитлар тўғрисида зудлик билан хабар бериши лозим, агар улар бу сўровларнинг ижроси маълум даражада кечиктиришга олиб келса.

7-модда

Сўралаётган Томонга материалларни қайтариб бериш

Сўралаётган Томоннинг талабига биноан Сўраётган Томон ушбу Шартнома доирасида олинган барча материаллар, сўров тааллуқли бўлган жиноий иш учун ортиқ керак бўлмаса, қайтариб берилиши лозим.

8-модда

Махфийлик ва фойдаланишни чегаралаш

1. Сўралаётган Томон сўровнинг, мазмунининг, илова қилинаётган ҳужжатларнинг ва ҳар қандай сўровга мувофиқ содир этилган хатти-ҳаракатларнинг махфийлигини сақлаш учун, агар бу талаб этилса, барча куч-ғайратини қаратиши лозим. Агар махфийлик сақланмаган ҳолда сўровнома қониқтирилиши мумкин бўлмаса, Сўралаётган Томон бу тўғрида Сўраётган Томонга хабар бериши лозим, у ўз навбатида сўровни ижро этилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаб беради.

2. Сўраётган Томон агар талаб этилса, Сўралаётган Томондан тақдим этилган маълумотлар ва исботларнинг махфийлигини сақланиши учун барча ҳаракатларни амалга ошириши лозимдир, сўров билан боғлиқ бўлган жиноий иш учун муҳим бўлган исботлар ва маълумотлар бундан истиснодир.

3. Сўралаётган Томон агар бу талаб этилса, маълумотлар ёки исботларнинг йўқолишидан ва огоҳлантирилмаган фойдаланиш, қўлланиши, ўзгартириш, яшириш ёки бошқа суиистеъмол қилишдан сақлашни таъминлаш учун барча ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

4. Сўраётган Томон Сўралаётган Томоннинг дастлабки розилигисиз олинган ахборот ёки исботлар ёхуд уларнинг парчаларидан сўровномада белгиланмаган мақсадда фойдаланиши мумкин эмас.

9-модда

Ҳужжатларни тақдим этиш

1. Сўралаётган Томон ўз қонунчилиги рухсат берган даражада жиноий ишга тааллуқли ҳужжатларни тақдим этиши тўғрисидаги сўровномани амалга ошириши лозим.

2. Сўраётган Томондан гувоҳ сифатида чиқаётган шахсни судга чақирилиши тўғрисидаги сўровнома Сўралаётган Томонга ушбу шахс режалаштирилган иштирокидан 45 кун ичида топширилиши лозим. Шошилинч ҳолларда Сўралаётган Томон бундай сўровни рад этиши ҳам мумкин.

3. Сўралаётган Томон Сўраётган Томонга ҳужжатларнинг тақдимоти тўғрисидаги тасдиқни бериши лозим, агар тасдиқнома амалга оширилиши мумкин бўлмаса, Сўраётган Томон бу тўғрида ва унинг сабаблари тўғрисида хабар топиши лозим.

4. Сўралаётган ёки Сўраётган Томонларнинг қонунчилигига асосан шахс маълум процедурани ижро этишдан бош тортаётган бўлса, унга жазо ёки бошқа мажбурий чораларни қўллаш мумкин эмас.

10-модда

Гувоҳликларни олиш

1. Сўралаётган Томон ўз қонунчилиги доирасида ва сўровга кўра шахсларни сўроқ қилади ёки гувоҳлик кўрсатмаларини олади ёки улардан Сўраётган Томонга тақдим этиш учун гувоҳлик кўрсатмаларини талаб этади.

2. Сўралаётган Томон ўз қонунчилиги доирасида сўровнома амалга ошириш муддати давомида сўровда белгиланган шахсларнинг иштирокига ва уларга сўроқ қилинаётган ҳамда кўрсатма бераётган шахсларга саволлар бериш рухсат этилади. Бундай ҳолатларда уларга тўғри йўлланган саволлар бериш тақиқланиб, балки сўроқ қилинаётган ва кўрсатма бераётган шахсларга қаратилган саволлар тавсия этиш рухсат берилади.

3. Сўралган Томонда гувоҳлик кўрсатмалари олинадиган шахслар ушбу моддага биноан гувоҳлик кўрсатмаларини беришдан бош тортишлари мумкин, агар:

(а) Сўралаётган Томон қонунчилиги бундай шахсларга шунга ўхшаш шароитларда, суд жараёнида кўрсатмалар бермасликка рухсат берса, ёки

(б) Сўраётган Томоннинг қонунчилиги шунга ўхшаш шароитларда суд жараёнида кўрсатмалар бермасликка рухсат берса.

4. Сўралаётган Томонда иштирок этаётган шахс, ушбу Сўраётган Томоннинг қонунчилигига мувофиқ гувоҳлик кўрсатмаларини бермаслик ҳуқуқи ва мажбурияти борлиги тўғрисида таъкидласа, сўровга биноан Сўраётган Томон Марказий органи Сўралаётган Томон Марказий органига ушбу ҳуқуқ ёки бошқаларнинг мавжудлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этиши лозим. Агар қайтарма исботлар йўқ бўлса, ушбу сертификат берилган саволларнинг керакли исботи бўлиб ҳисобланади.

5. Ушбу модда мақсадида гувоҳликни олиш ўз ичига ҳужжатларни тузиш ёки бошқа ҳаракатларни олади.

11-модда

Ҳибсга олинган шахсларни гувоҳлик кўрсатмаларини беришлари учун топшириш

1. Ҳибсга олинган шахс Сўралаётган Томонда, Сўраётган Томоннинг сўровига биноан вақтинча жиноят процессида кўрсатма бериш учун ўтказилиши мумкин. Ушбу модда мақсадида ҳибсга олинган шахс бўлиб, жинояти молиявий характерида эга бўлмаган, қамоқда сақланмаётган, лекин ҳукм субъекти бўлиб ҳисобланувчи шахс бўлиб ҳисобланади.

2. Сўралаётган Томон Сўраётган Томонга ҳибсга олинган шахсни топшириши мумкин агар:

(а) шахс топширилишига ихтиёрий равишда рози бўлса; ва

(б) Сўраётган Томон Сўралаётган Томоннинг топширилаётган шахсни ҳибсга олиш ёки хавфсизлигига доир барча шартларга амал қилишга розилик беради.

3. Агар Сўралаётган Томон Сўраётган Томонни топширилган шахсни ҳибсда ушлаб туриши зарурияти йўқлиги тўғрисида хабар берса, бу ҳолда шахс озод этилади.

4. Ушбу моддадаги сўровга асосан, топширилган шахс Сўралаётган Томонга Сўраётган Томон билан тузилган ахдлашувларга мувофиқ гувоҳлик кўрсатмаларини бериб бўлиши билан ёки шахснинг ҳозирлиги ортиқ талаб этилмаган илгарирок вақтда имкони бўлиши биланоқ қайтарилиши лозим.

5. Топширилган шахсни Сўраётган Томонда сақланиб келган вақти, Сўралаётган Томонда жазони амалга оширилган муддати деб ҳисобланади.

12-модда

Бошқа шахсларнинг гувоҳлик кўрсатмаларини бериш ёки тергов олиб боришда ёрдам бериш имконияти

1. Сўраётган Томон Сўралаётган Томондан шахсни Сўралаётган Томонда кўрсатмалар бериш учун ёки жиноий ишга тааллуқли ёрдам учун таклиф этишни ташкиллаштириш бўйича ёрдам бериш тўғрисида сўров қилиши мумкин (агар ушбу шахс Шартноманинг 11-моддасига тааллуқли бўлмаса). Эслатилган шахс барча шароитлар ва белгиланган ҳаражатлар тўғрисида хабарлантирилади.

2. Сўралаётган Томон Сўраётган Томонга шахсни қарори тўғрисида зудлик билан хабар бериши лозим.

13-модда

Хавфсизликни таъминлаш

1. Ушбу модданинг 2-бандига биноан ушбу Шартноманинг 11- ва 12-моддалари доирасида қилинган сўров мақсадида шахс Сўралаётган Томонда бўлиб туриши талаб этилса:

(а) Сўралаётган Томонда шахс ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик учун ушлаб турилиши, ҳукм қилиниши ёки жазоланиши мумкин эмас, шунингдек турли фуқаролик процессининг предмети бўлиши мумкин эмас, агар ушбу шахс Сўраётган Томонда бўлмаган бўлса, шунингдек унинг Сўралаётган Томондан кетишига сабаб бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликка нисбатан; ва

(б) шахснинг розилигисиз сўровномадан фарқи бўлган жиноий процессда кўрсатма бериш ёки жиноий терговга ёрдам бериши мумкин эмас.

2. Агар бўлғуси озод шахсга келгусида унинг ҳозирлиги зарур эмас деб расман хабар қилингандан кейин 15 кун ичида Сўраётган Томонни тарк этмаган бўлса ёки тарк этиб яна қайтиб келган бўлса, ушбу модданинг 1-бандини қўллаш тўхтатилади.

3. Ушбу Шартноманинг 11- ва 12-моддаларига асосан шахс гувоҳлик беришга розилик бўлмаса, шу сабабга кўра у Сўраётган ва Сўралаётган Томонларнинг судлари томонидан жазога тортилиши ёки бошқа мажбурлов чораларини қўлланилиши мумкин эмас.

4. Ушбу шартноманинг 11- ва 12-моддаларига асосан шахс гувоҳлик беришга рози бўлмаса, у ўз кўрсатмаларига асосланадиган жиноий таъқибнинг предмети бўлиши мумкин эмас, бундан албатта қасамёдни бузиш ва судга беҳурматлик қилиш истиснодир.

14-модда

Ахборотни тақдим этиш

1. Сўралаётган Томон жамоатчилик учун очиқ фойдаланиши мумкин бўлган расмий ҳужжатлар сифатида ёки бошқача қилиб айтганда очиқ савдода ва кенг қўламда танишув учун бўлган материал ва ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиши лозимдир.

2. Сўралаётган Томон ҳар қандай ҳужжатлар ёки материалларнинг нусхаларини уларни тақдим этиш учун белгиланган тартибда ўзининг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ва суд органларига тақдим этади.

15-модда

Тинтув ва мулк хати

1. Сўралаётган Томон қонунчилиги рухсат берган доирада Сўраётган Томоннинг жиноий ишига тааллуқли тинтув, мулк хати ва материалларни бу Томонга етказиб бериш билан боғлиқ сўровларни амалга ошириши лозим.

2. Сўраётган Томоннинг талабига биноан, Сўралаётган Томон ҳар қандай тинтув, мусодаранинг жойи ва шарт-шароитлари, шунингдек олиб қўйилган материалларни кейинги ҳибсга олиниш натижаларига тааллуқли маълумот билан таъминлаши лозим.

3. Сўраётган Томон Сўралаётган Томоннинг тақдим этган ҳар қандай ушлаб олинган материалларига тааллуқли белгилаб берган шароитларга риоя этиши лозимдир.

16-модда

Жиноий фаолият орқали олинган даромадлар

1. Сўралаётган Томон ўзининг қонун тасарруфи доирасида жиноий фаолият орқали олинган даромадларини аниқлаш тўғрисидаги сўровномани қабул қилгандан сўнг, Сўраётган Томонга терговни натижалари тўғрисида хабар беради.

2. Жиноий фаолият орқали олинган даромадлар аниқланган ҳолда, Сўралаётган Томон 1-бандга асосан, қонунчилиги доирасида бундай даромадларни чегаралаш ёки ушлаб олиш билан боғлиқ барча чораларни амалга ошириши лозим.

3. Ушбу моддани қўллашда учинчи томоннинг ҳуқуқи Сўралаётган Томоннинг қонун тасарруфига тушади.

4. Агар бу алоҳида конкрет ҳолат билан келишиб олинмаган бўлса, Сўралаётган Томон ушлаб олинган жиноий фаолиятдан олинган даромадни ўзида сақлаши лозим.

5. Ушбу Шартнома мақсади доирасида, «жиноий фаолиятдан олинган даромадлар» ҳар қандай гумон қилинаётган мулкни ёки суд томонидан қонуний ёки ноқонуний равишда олинган ва қонунбузарлик натижасида амалга оширилган деб аниқланган бўлса, жиноятни содир этиш ёки уни енгиллаштириш учун хизмат қилган мулк бўлиб ҳисобланса.

17-модда

Шахсиятнинг тасдиқланиши ва гувоҳлантирилиши

1. Ёрдам тўғрисидаги сўровнинг иккинчи бандидан ташқари, сўровга жавобан тақдим этилган тасдиқдовчи ҳужжатлар ва материаллар тасдиқланишни ва шахсий гувоҳлантирилишни талаб этмайди.

2. Сўраётган ёки Сўралаётган Томоннинг ҳужжатлар ва материалларни ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва гувоҳлантиришга оид сўровнома ҳолатида, ҳужжатлар ҳамда материаллар 3-бандга асосан тасдиқланиб берилиши лозим.

3. Ушбу Шартнома мақсади доирасида ҳужжатлар ва материаллар тасдиқланади, агар:

(а) ҳужжатни йўллаган Томоннинг судьяси ёки мансабдор шахси томонидан имзоланган ёки тасдиқланган бўлиши лозим бўлса;

(б) ҳужжатларни йўллаган Томонни, Вазир, Департамент ёки Ҳукуматнинг мансабдор шахсларининг расмий муҳри билан тасдиқланиши лозим бўлса.

18-модда

Қўшимча ахдлашувлар

Ушбу Шартноманинг мақсадлари ва Томонларнинг қонунчилигига биноан ҳар бир Томоннинг Марказий органи қўшимча ахдлашувларга кириши мумкин.

19-модда

Вакиллик қилиш ва харажатлар

1. Агар бошқача келишиб олинмаган бўлса, ёрдам тўғрисидаги сўровномага асосан, Сўралаётган Томон Сўраётган Томонни ҳар қандай жиноий жараёнда иштирок этиши учун барча чораларни кўриши ва Сўраётган Томоннинг манфаатларини намоён этиши лозимдир.

2. Сўралаётган Томон ёрдам тўғрисидаги сўровни амалга ошириши бўйича харажатларни қоплайди, Сўраётган Томоннинг тўлов харажатлари бундан истиснодир:

(а) шахсларни Сўралаётган Томоннинг худудидан кузатиб бориш ушбу Шартноманинг 9-, 11-, 12-моддаларига биноан, шунингдек яшаши билан боғлиқ барча харажатлар, тўловлар Сўраётган Томондаги шахсга тўланади;

(б) ҳукм қилинганларни кузатиб бориш ёки зобитлар эскорти натижасида юзга келган харажатлар;

(с) экспертларга бериладиган тўлов ва харажатлар;

(д) Сўралаётган Томоннинг талабига кўра сўровни бажариш натижасида келиб чиқадиган фавқулодда харажатлар.

20-модда

Маслаҳатлашувлар ва баҳсларни ҳал қилиш

Томонлар ушбу Шартноманинг тўлалигича ёки муайян ҳолатларга нисбатан талқин қилиш билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича Томонлардан бирининг сўровига кўра маслаҳатлашувлар олиб бордилар.

21-модда

Кучга кириши ва амал қилишдан тўхташи

1. Ушбу Шартнома ратификация ёрлиқлари алмашингандан сўнг кучга кирилади.
2. Ушбу Шартнома кучга киргунига қадар ёки кейин содир этилганидан қатъий назар тегишли ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан боғлиқ бўлган сўровномага нисбатан қўлланилади.

3. Томонларнинг хоҳлаган бири ёзма хабар қилиш орқали ушбу Шартноманинг амал қилишини тўхтатиши мумкин ва ушбу Шартнома бундай хабарнома олинган кундан бошлаб олти ой ўтгач амал қилишдан тўхтайдди. Ушбу Шартноманинг ушбу моддага мувофиқ амал қилиши тўхтатилгунга қадар ёрдам тўғрисида олинган ҳар қандай сўров Аҳдлашувчи Томон бошқа нарсани талаб қилмаса, ушбу Шартномага мувофиқ ижро этилиши лозим.

Ушбуни тасдиқлаб, ўзларининг тегишли ҳукуматлари томонидан тегишлича ваколатланган қуйида имзо чекувчилар ушбу Шартномани имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2003 йил 12 февралда, икки нусхада, ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар аутентикдир. Талқин қилишда ҳар қандай келишмовчиликлар келиб чиқса, инглиз тилидаги матн устунлик қилади.

(имзолар)

**Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги
томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигига 700 000 (етти юз минг) юань қийматига
тенг полиция ускуналарини беғараз асосда тақдим
этиш тўғрисида
БИТИМ***

(2004 йил 26 ноябрдан кучга киради)

Жаноби Олийлари,

Сиз Жаноби Олийларининг 2004 йил 26 ноябрдаги ушбу мазмундаги хатингиз олинганини тасдиқлаш шарафига муяссарман:

«Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлик вазирлиги номидан Томонлар дўстона маслаҳатлашувлар орқали қуйидаги ахдлашувга эришилганини тасдиқлаш шарафига муяссарман:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сўровига биноан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлик вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига полиция анжомларини етказиб беради. Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлик вазирлиги етти юз минг юань миқдордаги барча зарур харажатларни (бунга етказиб бериш ва суғурта харажатлари ҳам киради) беғараз асосида таъминлайди.

2. Хитой томони юқорида кўрсатилган анжомларни Тошкент шаҳригача етказиб бериш учун жавобгар. Ўзбекистон томони анжомларни Тошкент шаҳрида қабул қилиш ва божхона билан боғлиқ харажатлари учун жавобгар.

3. Томонлар аниқ масалаларни қўшимча тарзда келишиб оладилар.

Сиз юқорида баён этилган мазмунни жавоб мактубида тасдиқласангиз, ушбу хат ва Сиз Жаноби Олийларининг жавоб хатингиз Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлик вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги Битимни ташкил этади».

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги номидан Сизнинг мактубингиз мазмуни билан розиликни ҳамда ушбу хат ва Сиз Жаноби Олийларининг хати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлик вазирлиги ўртасидаги Битимни ташкил этишини тасдиқлаш шарафига муяссарман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига бўлган чуқур ҳурматимни изхор этаман.

(имзо)

* Битим имзоланган кундан кучга киради.

СОГЛАШЕНИЕ*

Министерству внутренних дел Республики Узбекистан и Министерством общественной безопасности Китайской Народной Республики о предоставлении Министерством общественной безопасности Китайской Народной Республики партии полицейского оборудования и безвозмездном обеспечении всеми необходимыми расходами в размере 700 000 (семисот тысяч) юаней Министерству внутренних дел Республики Узбекистан

(Вступает в силу 26 ноября 2004 года)

Ваше Превосходительство,

Имею честь подтвердить получение письма Вашего Превосходительства от 26 ноября 2004 года в следующей редакции:

«От имени Министерства общественной безопасности Китайской Народной Республики имею честь подтвердить достижение Сторонами, путем дружественных консультаций, следующих договоренностей:

1. По запросу Министерства внутренних дел Республики Узбекистан Министерство общественной безопасности Китайской Народной Республики предоставляет Министерству внутренних дел Республики Узбекистан партию полицейского оборудования. Министерство общественной безопасности Китайской Народной Республики безвозмездно обеспечивает все необходимые расходы в размере семисот тысяч юаней (включая расходы за транспортировку и страхование).

2. Китайская сторона ответственна за транспортировку до г. Ташкента вышеуказанного оборудования. Узбекская сторона ответственна за таможенные и другие расходы, связанные с получением оборудования в г. Ташкенте.

3. Стороны дополнительно согласуют конкретные вопросы.

В случае подтверждения Вами вышеизложенного содержания в ответном письме, настоящее письмо и ответное письмо Вашего Превосходительства будут составлять Соглашение между Министерством общественной безопасности Китайской Народной Республики и Министерством внутренних дел Республики Узбекистан».

Имею честь подтвердить от имени Министерства внутренних дел Республики Узбекистан согласие с содержанием Вашего письма и то, что настоящее письмо и письмо Вашего Превосходительства будут составлять Соглашение между Министерством внутренних дел Республики Узбекистан и Министерством общественной безопасности Китайской Народной Республики.

Пользуясь случаем, позвольте выразить уверения в своем высоком к Вам уважении.

(подпись)

* Вступает в силу со дня подписания.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво фазосининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучларидан ҳамда Россия Федерацияси Ҳарбий-ҳаво кучларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисида
БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги 672–II-сонли қарори билан ратификация қилинган*

(2004 йил 30 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси (бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар),

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг, Хельсинки Яқунловчи акти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотнинг бошқа ҳужжатларининг мақсад ва тамойилларига содиқликларини тасдиқлаб,

1992 йил 30 майдаги Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартномага, 1994 йил 2 мартдаги Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисида Шартномага, 1999 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида Шартномага амал қилиб,

Томонлар ҳаво фазосининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини эътироф қилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Ушбу Битим мақсадлари учун қўлланиладиган атамалар қуйидагиларни англатади:

«Томонлар ҳаво фазосининг хавфсизлигини таъминлаш» — учинчи мамлакатлар томонидан ҳаво фазосининг хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, уларни локализация қилиш ва нейтраллаштириш мақсадида, агар бу Томонларнинг мазкур давлатларга нисбатан мажбуриятларига зид бўлмаса, Томонларнинг қўшинлари (кучлари) биргаликда ўтказадиган тадбирлар мажмуаси;

«ҳаво ҳужумига қарши мудофаа ҳамда ҳарбий-ҳаво кучларининг кучлари ва воситалари» (бундан кейин ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситалари) — таҳдид даврида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво фазосининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сўровчи Томон ХХҚМ ҳамда ХХК қўшинлари группировкасини кучайтириш учун ишлатиладиган Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучларининг ва Россия Федерацияси Ҳарбий-ҳаво кучларининг бирлашмалари, ҳарбий қисмлари ва бўлинмалари;

* ЎзР. Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 34-35-сон, 380-модда.

«тахдид даври» — Томонлардан бирига қуролли ҳужум таҳдиди юзага келган ва сақланиб қолинаётган вақт оралиғи.

2-модда

Томонлар ушбу Битим доирасида суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ўзаро ҳурмат қилиш, тенглик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, ўзларининг миллий қонунлари, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги шартномаларнинг қоидалари, шунингдек халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига риоя қилиш асосида ҳамкорлик қиладилар.

3-модда

Ушбу Битимни бажариш мақсадида қуйидагилар Томонларнинг ваколатли органлари ҳисобланадилар:

Ўзбекистон Республикаси учун — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Бирлашган штаби;
Россия Федерацияси учун — Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги.

4-модда

Томонларнинг ваколатли органлари:

биргаликдаги ҳаракатлар учун мўлжалланган куч ва воситаларнинг ҳарбий шай ҳолатини сақлаб туришнинг;

Томонлар кучлари ва воситаларининг ўзаро ҳаракати, алоқаси ва яширин бошқарувини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг умумий тамойилларини биргаликда ишлаб чиқадиладар.

5-модда

Томонлар ҳаво фазосининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситаларини татбиқ қилиш ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситаларини биргаликда қўллаш режасига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур Режани Томонларнинг ваколатли органлари ушбу Битим кучга кирганидан кейин ишлаб чиқадиладар ҳамда Томонларнинг мудофаа вазирлари (Томонлар ваколатли органларининг раҳбарлари) уни тасдиқлайдиладар. Зарурат бўлишига қараб, Томонлар ваколатли органларининг келишуви бўйича Режа аниқлаштирилиши мумкин.

6-модда

Таҳдид даврида Томонлар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун маслаҳатлашишлар ўтказадилар ва зарурат бўлганида, Томонларнинг давлат бошлиқлари Томонларнинг қонунларига мувофиқ ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситаларини биргаликда қўллаш режасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Қабул қилувчи Томон талаб қилиши биланоқ куч ва воситаларни ҳарбий қўллаш тўхтатилади.

7-модда

Томонлар ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситаларининг таркиби қуйидаги масалаларни ҳал этиш заруратига мувофиқ равишда белгиланади:

ҳаво фазосида Томонларнинг давлат чегараларини муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш;

Томонларнинг ҳаво фазосидан фойдаланиш тартибини назорат қилиш;
душманнинг ҳаво ҳужуми таҳдиди ёки факти тўғрисида билдириш;
Томонларнинг ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситалари ҳаракат қилувчи райондаги ҳаво, радиоэлектрон ва радиацион вазиятни баҳолаш;
душманнинг ҳаво ҳужумини қайтариш;
Томонларнинг ушбу Битимга алоҳида баённома билан расмийлаштириладиган ўзаро келишуви бўйича бошқа вазифаларни бажариш.

8-модда

Таҳдид даврида Томонларнинг ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситаларини бошқариш Томонлар ваколатли органларининг раҳбарлари тасдиқлаган Қоида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9-модда

Бир Томоннинг ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ҳарбий хизматчиларининг улар бошқа Томон ҳудудида бўлишлари вақтидаги мақоми Томонларнинг алоҳида битимида белгиланади.

Бир Томон ваколатли органларининг ушбу Битимнинг 7-моддасида кўрсатилган вазифаларни бажариш учун бошқа Томон ҳудудига хизмат сафарига юборилган вакилларига уларга юклатилган вазифаларни бажаришда, хизмат сафарида бўлиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишда зарур кўмак кўрсатилади.

Бир Томон ваколатли органларининг вакиллари бошқа Томон ҳудудида бўлишлари вақтида қабул қилувчи Томон қонунларига риоя қилишлари шарт. Айтиб ўтилган вакилларга юборувчи Томоннинг ҳарбий хизматчилар мақомини тартибга соладиган қонунларнинг қоидалари ҳам тааллуқли бўлади.

10-модда

Бир Томоннинг ХХҚМ ҳамда ХХК кучларининг шахсий таркиби бошқа Томоннинг давлат чегарасидан Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ хизмат сафари ёзма буйруқлари ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича, командалар таркибидагилар эса юборувчи Томон ҳарбий қисми (муассасаси) бошлиғи тасдиқлаган исм-шарифлар рўйхати бўйича ўтказилади.

11-модда

Томонларнинг ваколатли органлари ушбу Битимнинг 7-моддасида кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида Томонларнинг ҳудудларини жиҳозлаш бўйича келишилган тадбирларни режалаштирадилар ва ўтказадилар, ҳарбий инфратузилма объектларини ишлатиш ва ривожлантириш тартибини, шунингдек моддий воситалар захираларини тўплаш бўйича чораларни белгиладилар.

12-модда

Томонлар ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситаларини ҳарбий, техникавий ва мамлакат ичкарисидаги таъминоти, ўқитиш ва тайёрлаш (бундан кейин — ҳар томонлама таъминлаш) билан боғлиқ бўлган харажатларни мустақил равишда қоплайдилар.

Қабул қилувчи Томон юборувчи Томоннинг ХХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситаларини қабул қилувчи Томон ҳудудида бўлиш вақтида таъминлаш билан боғ-

лик бўлган харажатларни қоплаш қабул қилувчи Томоннинг ҚХҚМ ҳамда ХХК кучлари ва воситалари учун ўрнатилган нархлар ва тартиб бўйича амалга оширилишини кафолатлайди.

Ҳар бир муайян алоҳида ҳолда Томонларнинг ваколатли органлари белгилаган бошқа тартибда ҳам ҳар томонлама таъминлаш амалга оширилиши мумкин.

13-модда

Ўз фаолиятини амалга ошириш учун бир Томоннинг қисм ва бўлинмалари ҳарбий техника, қурол-яроғ, ўқ-дори, махсус воситалар ва алоқа воситалари, моддий воситаларни бошқа Томон ҳудудига олиб кириши мумкин.

Ушбу Битим доирасида (кейинги ўринларда ҳарбийга мўлжалланган маҳсулотлар) ҳарбий техника, қурол-яроғ, ўқ-дори, махсус воситалар ва алоқа воситалари, моддий воситаларнинг Томонлар божхона чегараларидан ўтиши тарифсиз бошқарув чораларини қўллагандан ва божхона тўловларини ундирмасдан амалга оширилади.

Ҳарбийга мўлжалланган маҳсулотларнинг божхона назорати ва божхона расмийлаштирилиши Томонларнинг ваколатли органлари тарафидан бериладиган ҳарбий рухсатномалар асосида устувор тартибда амалга оширилади.

Агар Томонларнинг ваколатли органлари ўртасида бошқа келишувга эришилган бўлмаса, олиб кирилган ҳарбийга мўлжалланган маҳсулотлар ҳарбий қўлланиб бўлинганидан кейин қабул қилувчи Томон ҳудудидан олиб чиқилиши лозим. Олиб чиқиш юборувчи Томон ҳудудидан уларни олиб чиқишда ҳамда қабул қилувчи Томон ҳудудига олиб киришда чегара ва божхона органлари тасдиқлаган мазкур ҳарбий рухсатномалар асосида амалга оширилади. Ҳарбийга мўлжалланган маҳсулотларнинг ишлатилиши (харажати) юборувчи ва қабул қилувчи Томонлар ваколатли органларининг вакиллари расмийлаштирган тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланади.

14-модда

Қабул қилувчи Томон ҳудудига жабрланганларга тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида тиббий хулосага кўра зарур бўлган, рўйхатлари Томонларнинг Ҳукуматлари тарафидан миллий қонунларга мувофиқ тасдиқланган (кейинги ўринларда дори воситалари) дори воситалари миқдори, жумладан гиёҳвандлик ҳамда психотроп дори воситаларини олиб кириш рухсат этилади. Уларнинг Томонлар давлат чегараларидан ўтиши номенклатураси ва миқдори кўрсатилган, юборувчи Томоннинг ваколатли органи тасдиқлаган махсус рўйхат бўйича амалга оширилади.

Ишлатилмаган дори воситалари юборувчи Томоннинг ваколатли органи тасдиқлаган уларнинг номенклатураси ва миқдорини кўрсатган ҳолда тегишли рўйхатлар асосида қабул қилувчи Томоннинг божхона назорати остида қабул қилувчи Томон ҳудудидан олиб чиқилиши лозим. Ишлатилган дори воситаларига қабул қилувчи ва юборувчи Томонларнинг ваколатли органларининг вакиллари томонидан юборувчи ва қабул қилувчи Томонларнинг божхона органларига тақдим қилиш учун уларнинг ишлатилгани тўғрисидаги акт тузилади.

15-модда

Томонлар ўз миллий қонунларига мувофиқ ушбу Битимни бажариш доирасида ҳамкорлик давомида уларга тақдим этилган, таркибида давлат сирини эга ахборотнинг ҳимоясини таъминлаш мажбуриятини оладилар.

